

BOSH MUHARRIR:  
**Mahmud TOIROV**

**TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:**

**Ravshan MAMUTOV,**  
O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi  
Qonunchilik palatasi Agrar va suv  
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi  
**Aziz VOITOV,**  
O'zbekiston Respublikasi  
Qishloq xo'jaligi vaziri  
**Aktam XAITOV,**  
O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari  
va tomorqa yer egalari kengashi raisi  
**Akrom ALIMOV,**  
"Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-  
quvvatlash" markazi direktori  
**Sirojiddin RUSTAMOV,**  
"Agro Biznes Inform Tahririyati"  
MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi,  
O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi  
**Fayzullo TOJIQULOV,**  
O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman  
Kengashi rahbari

Bosh muharrir o'rbinbosari  
**Asror MO'MINOV**

Mas'ul kotib:  
**Baxtiyor ESANOV**

Dizayner:  
**Ramazon RUSTAMOV**

Musahhih:  
**Jor'abek SIROJIDDINOV**

**Viloyat muxbirlari:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va  
Xorazmda  
**Shukurjon JABBOROVA**

Sirdaryo va Toshkentda  
**Farmina G'ayratova**

**Nashr O'zbekiston Respublikasi**  
**Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining**  
2020-yil 31-dekabrdagi 290/10-sonli  
qarori bilan Oliy attestatsiya  
komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga  
olingan.

**Jurnal 2005-yildan buyon chiqsa boshlagan**  
The journal has been published since 2005

**№3 (168) 2023**

**TAHRIR HAY'ATI RAISI :**

**Zafar ISKANDAROV,**  
Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

**TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:**

**Ibrahim DILER,**  
Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)  
**Kamoliddin SULTONOV,**  
Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori  
**Durbek MAXKAMOV,**  
Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasasi prof.v.b. yuridik  
fanlar nomzodi

**Temirjan AYTBAEV,**  
Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-  
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasasi mudiri, q.x.f.d.

**Bekmurat TURDISHEV,**  
Qoraqalpog'iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d  
**Shuxrat BOBOMURODOV,**  
Tuproqshunoslik va agrokimyo ilmiy-tekshirish instituti direktori, b.f.d.

**Ravshanbek SIDDIQOV,**  
Don va dukkakli ekinlar ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.d, Rossiya FA akademigi

**Baxrom MADARTOV,**  
Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q.x.f.d, professor

**Safar ALIQUOV,**  
O'simliklar genetik resurslari ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d  
**Bekmurod HAYDAROV,**  
Lalmikor dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x. bo'yicha f. d.

**Usmon NORQULOV,**  
ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasasi professori, q. x. f. d.  
**Erkin BERDIYEV,**  
ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrasasi professori, q. x. f. d.

**Rajabboy DO'STMURODOV,**  
ToshDAU, Buxgalteriya hisobi va audit kafedrasasi professori, i.f.d  
**Mansur YULDASHOV,**

ToshDAU, Baliqchilik kafedrasasi professori, biologiya fanlari doktori  
**Asqarbek SAFAROV,**

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent  
**Alevtina KOJEVNIKOVA,**

ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor

**Abdullo MADALIEV,**  
ToshDAU, iqtisod fanlari doktori, professor  
**Abdunabi FATXULLAEV,**

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Sirojiddin JO'RAYEV,**  
ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasasi mudiri  
**Murod RAXMANKULOV,**

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasasi  
professori, q.f.d

**O'ktam QO'L DOSHEV,**  
Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasasi va amaliyoti kafedrasasi mudiri  
(PhD)

**Qaxramon SHAKIROV,**  
ToshDAU, "Umumiy zootexniya" kafedrasasi professori, q.x.f.d

**Dilmurodjon HAKIMOV,**  
ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash" kafedrasasi dotsenti

**Mamur JUMASHEV,**  
ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasasi  
dotsenti

**Iroda BAKIEVA,**  
Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasasi professori v.b., i.f.d.

**Erkinjon BOTIROV,**  
Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasasi dotsenti, i.f.n.

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

**М**устақиллиқ айёми арағасида барча соҳаларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги қўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиётни вахалқимиш фаровонлигини таъминлаш, унинг халқаро майдондаги обрў эътибори ва нуфузини юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу мақсадлар йўлидаги катта хизматлари, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, илғор инновацион технологияларни жорий этиш, ҳудудлар инфратузилласини жадал ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларидаги ибратли фаолияти учун юртдошлиларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида қишлоқ ва сув хўжалигининг қўплаб тармоқлари вакиллари ҳам бор.

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан

Ризаев Эрали Абдукаримович – Нуробод туманидаги «Саҳобаота қоракўл насл» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Самарқанд вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

Пардаева Зубайда Мусаевна – Ўрта Чирчик туманидаги «Агропилла» масъулияти чекланган жамияти ҳудуд агрономи, Тошкент вилояти

Халлиева Менгал – Ангор туманидаги «Аллаёров Жаҳонгир» фермер хўжалиги пиллачиси, Сурхондарё вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Шарипов Шавкат Украмович – Самарқанд шаҳридаги «Zarafshon Textile» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Султонов Азамат Акрамович – Бухоро вилояти «Бухоро агрокластер» масъулияти чекланган жамияти директори

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвони билан

Хамраев Ибраҳим Шайқулович – Олот туманидаги «Мергантекс» пахта-тўқимачилик кластери бош директори, Бухоро вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Салимов Оқил Умурзоқовиҷ – Истеъоддли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси раҳбари

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Авезов Кенжа Сафаровиҷ – «Тошработ-Ўртачўл» ирригация тизими бошқармасининг бўлим муҳандис-гидротехники, Навоий вилояти

Ҳожиев Шабон Тўраевиҷ – Вобкент туманидаги «Кўмушкент илаги» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

## «Дўстлик» ордени билан

Аденбаева Турдигул – Кўнғирот туманидаги «Олтинқўз-Сартур» биолабораторияси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Атабаев Бахрам Рузметович – Кўшқўпир туманидаги «Уммон балиқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Атоева Зулпия – Ромитан туманидаги «Достон» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Гадоева Зиёда Эрниёзовна – Пешку туманидаги хусусий тадбиркор, асаларичи, Бухоро вилояти

Ибрагимова Махбуба – Наманган шаҳридаги хусусий тадбиркор, гул кўчатлари этиширувчиси, Наманган вилояти

Кабулов Иркин Абдусаматович – Жиззах шаҳридаги «Жиззах Eco Textile» масъулияти чекланган жамияти ижрои директори, Жиззах вилояти

Мамутов Исмайл Мамутович – Тахтакўпир тумани сув хўжалиги бўлими экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Мамутов Равшан Аминаддинович – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси

Махмудова Шохиста Асадовна – Бекобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Тошкент вилояти

Сайдуллаев Нарзулла – Зомин туманидаги «Нарзуллаев Жасурбек» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Усманова Барчиной Маматкуловна – Гулистон шаҳридаги «Agro Youth» ишлаб чиқариш кооперативи директори, Сирдарё вилояти

Хамидов Одил Абидович – Тошлоқ туманидаги «Обиджон» туячилик фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Шамшетов Сарсенбай Нуратдинович – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси агрохизматлар маркази директори

Эшонхожаев Ахмадхон Маматхонович – Косонсай туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Наманган вилояти

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Халмирзаева Сайёра Шукуровна – Тошкент давлат аграр университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

## «Жасорат» медали билан

Ражабов Отаназар Абдуллаевич – Ҳазорасп туманидаги «Қобул Ғайрат» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Сайфиев Хуршид Ибодович – Ромитан туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Бухоро вилояти

## «Шұхрат» медали билан

Атажанов Руслан Кузиевич – Шовот тумани ирригация бўлими бош гидрометри, Хоразм вилояти

Жуманиязов Ибрагим – Кўшқўпир туманидаги «Ибрат Рўзмат» паррандачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Жураев Алибай Тожахматович – Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Иминов Нуриддин Акбарович – Қўштепа туманидаги «Водий насли қуёнлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Кенжебаев Жеткербай Куанишбаевич – Мўйноқ тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими участка ветеринари, Қорақалпоғистон Республикаси

Курбанов Алишер Курбанович – Музработ туманидаги «Амирқул бобо» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Курбонов Азимбой Тўевич – Вобкент тумани ирригация бўлими муҳандис-гидротехники, Бухоро вилояти

Примбетов Қаллибек Нурмаҳамбетович – Нукус туманидаги «Nukus Agro Fish Klaster» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Раҳмонов Рустам Ҳамроевич – Шофиркон туманидаги «Ғалаба» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Бухоро вилояти

Султанов Номанжан – Пахтакор туманидаги «Сарбон Суҳроббек» фермер хўжалиги механизатори, Жиззах вилояти

Хаджиев Одил Таджибаевич – Бағдод туманидаги «Ғофуржон деҳқон» масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

Хашимова Фарида Ганиевна – Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Кува тумани бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

Ходжаев Кадамбой Раджабович – Хонқа туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

# ЮРТИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЁРҚИН САНА

Асрор Мўмин,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

**О**дамзод ҳаётида бўлганидек, мамлакат ҳаётида ҳам унутилмас сана бўлади. Юртимиз тарихидаги ана шундай мухим сана 1991 йил 31 августда Тошкентда ўтказилган Олий Кенгашимизнинг XII-чақириғи навбатдан ташқари VI-сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинган қундир. Шунингдек, ўша қуни 1 сентябрь республикамизда Мустақиллик қуни, умумхалқ байрами этиб белгиланди.

Бу бутун дунёга Соҳибқирон Амир Темур барпо этган улуғ салтанат ўрнида Ўзбекистон Республикаси ташкил топганидан дарак берди. Юртимизда истиқлол йилларида олиб борилган оқилона сиёsat, халқимизнинг бағрикенглиги, сабр-тоқати, фидокорона меҳнати, юртимизнинг буюк келажагига ишонган ҳолда ҳар соҳада мардлик, жасорат кўрсатганлиги туфайли эришилди.

Халқимизда “Чорифингни унутма”, деган нақл бор. Қадим-қадимдан бой маданиятга, юксак интеллектуал салоҳиятга эга юртимизни юз йилдан ортиқроқ давом этган мустабид тузум фақат пахта хомашёси тайёрлаб берадиган худудга айлантирмоқчи бўлди. Дунёга Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Марғиноний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби алломаларни, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур сингари саркардаларни вояга

етказган халқимизни ёппасига пахтакорга айлантиришни исташди. Кишлоқ жойларидағи уйнинг остонасигача чигит экилди, ёзда ёш-кекса, ҳатто зиёлиларимиз, олимларимиз ғўза чопиқда қатнашди, кузда “Ҳаммамиз пахтакормиз” дея белларига этак боғлаб пахта теришди. Бу турмуш тарзимиз ниҳоятда паст даражага тушиб кетишига олиб келди. Майли, бошқа нарсаларни эслаб кўнглимизни хира қилмасдан, фақат ўттиз йиллар илгари озиқ-овқат дўйонларининг пештахталарини кўз олдимишга келтирайлик, улар бўй-бўй, кундалик эҳтиёж молларини ҳеч қаердан топиб бўлмасди. Бизга собиқ мустабид тузумдан ана шундай аянчли ҳолат мерос бўлиб қолганди.

Шукрки, Истиқлолга эришдик, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳукуқига эта бўлдик. Дунё халқларининг ривожланиш тажрибасидан келиб чиқиб, ўз



менталитетимизга мос тараққиёт йўлини танладик. Барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширишга киришилди. Натижада эзгу мақсад йўлида одимлаётган халқимизнинг дунёқараси ўзгарди, фикрлаш тарзи теранлашди, юртимиз қиёфаси янгиланди, обод манзилларимиз кўпайди, муҳташам мажмуалар барпо қилинди ва бундай яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улуғвор ишларни кўз олдимга келтирар эканман, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги тармоғи тубдан ислоҳ қилинганини мамнуният билан таъкидлашни истайман. Бу ислоҳотлар изчил давом этаётганини Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасидаги қуидаги сўзлари тасдиқлайди: “Биз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз. Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига дехқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат этиштирилди. Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги дехқон хўжалиги ташкил этилди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти. Агар шу ислоҳотларни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди?

Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз. Бунинг

ҳисобидан қарийб 350 мингта дехқон хўжалиги ташкил этилади. Агар жами 750 мингта янги дехқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсан, қишлоқдаги жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади. Умуман, аграр соҳада юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард доллар ажратилади”.

Албатта, юртимиздаги улкан ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ҳар бирининг замерида оқилона тузилган режа ва халқимизнинг фидойи меҳнати мужассам. Энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллик байрами арафаси кўз олдимдан ўтган йиллар, эришилган ютуқлар бир-бир ўтар ёкан, ўз-ўзимга савол бераман. Бу ютуқларнинг замери, ҳаракатлантирувчи қучи нимада? Юрагимдан жавоб келади: Истиқлол! Бизнинг ҳар бир дадил қадамимизда, ғалабамиизда Истиқлолнинг сарин нафаси ва у бахш этган шаҳд-шижоат бор. Ютуқларимизнинг мазмuni ҳам, роҳатбахш самараси ҳам Истиқлолимиз туфайли!

Президентимиз таъкидлаганлариdek: “Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай беқиёс имкониятлар яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади”.

Яратгандан ягона тилагимиз – юртимизнинг Истиқлолига, халқимизнинг ютуқларига кўз тегмасин. Истиқлолимиз абадий, ғалабаларимиз бардавом бўлсин!

# "КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ..."

Сурайё Ахмедова,  
Савдо-саноат палатаси Чиноз тумани  
бўлими бошлиғининг ўринбосари

**З**отан қайсики мамлакатда тадбиркорликка кенг йўл берилса, уларнинг муаммолари босқичма-босқич ечимини топса ўша мамлакатда ривожланиш бўлади, халқи бой яшайди. Юртимиизда ҳам кичик бизнес ва оиласвий тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Янги ташкил бўлган тадбиркорларни мустаҳкам оёққа туриб олишлари учун қандайдир янгича шароитлар яратиб, енгилликлар бериш керак. Уларга тадбиркорлик сир-асрорларини ўргатиш, молиявий қўмак бериш, ишлаб чиқарган маҳсулотларини қийналмай бозорларда сотишларида яқиндан ёрдам берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Худудларда ишбилармонлик мухитини яхшилаш учун тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш ва уларни эркин гапиришга қўйиб бериш керак. Чунки ўз сармоясини таваккалчилик асосида бир ишга тиккан одамга ён-атрофдагилар халақит эмас, фақат ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги "Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-93-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июлдаги "20 минг тадбиркор

- 500 минг малакали мутахассис" дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ВМҚ-279-сонли Қарори бўйича жойларга чиқиб тадбиркорлик субъектларида юзага келаётган муаммо ва камчиликларни ўргандик.

Ўрганишлар асносида маълум бўлдики, баъзи бир раҳбарлар юқоридаги фармон ва қарорларни билмаслиги, ўқимаганликлари боис тадбиркорлик субъектларига муаммолар туғдирмоқда. Масалан, газдан, сувдан, электрдан, солиқдан, божхонадан бирор муаммо айтилса ва унинг ечимини топиш учун ўша ташкилотга мурожаат қилинса, ташкилотнинг "катталари" дарров



тадбиркорни текшириб, пўстагини қоқишига, уни танг ахволда қолдиришига ҳаракат қилишаркан. Натижада тадбиркор “оч қорним, тинч қулоғим”, қабилида иш тутиб, ҳеч қандай муаммо йўқ, ҳаммаси зўр деб, ёзиб беришга мажбур.

Юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар мамлакатимизда тадбиркорликни ривож-лантиришга қаратилган, аммо айrim раҳбарлар муаммоси хақида гапирган тадбиркорни дарҳол бўғизидан бўғиб, гапиртирмай қўймоқдалар. Бунақада ривож-ланиш бўладими, камбағаллик қисқарадими ёки янги иш ўрни яратиладими ?!.

Қачонки тегишли ташкилотлар ҳамжиҳатлиқда ишлаб, муаммоларни биргаликда ҳал қилмас эканлар бир ерда депсиниб тураверилади. Бундан эса ҳалқимиз жабр кўраверади.

Биз Чиноз туманида фаолият олиб бораётган “ASHRAF RAMAZON”МЧЖ, “ROYAL MEGA MILLS” МЧЖ “ARENA INTRADE” МЧЖ ва бир қанча якка

тартибдаги тадбиркорлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ўрганилди. Маълум бўлишича тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун меҳнат қилиб чарчамайди, фақат фаолиятига тўсиқ бўлаётган нарсалар, ноҳақликлар уни хафсаласини пир қилиши мумкин. Бундай пайтда улар тўхтаб қолишлари керак эмас, аксинча халол, пок ишлаб, йўлларида давом этаверишса, албатта қийинчиликлар ортда қолиб, ёруғ юз билан катта йўлга чиқишилари табиий.

Тадбиркор бўламан деганлар кўп. Фақат уни эплаб кетганлар саноқли. Бизнесни тилини тушуниб, ақл билан иш юритиб, ўз устида тинмай ишласа, ўқиб ўрганишдан чарчамаса, янгиликлар яратишга интилса бундай инсонлар албатта катта бизнесмен бўлиб эл оғзига тушади.

Бугун юртимизда ана шундай ишловчиларнинг сафи кундан кун ортиб бормоқда ва уларга барча шартшароитлар яратиб берилган. Фақат халоллик билан ишлаш қолди, холос.

# СУҒОРИШНИНГ ТЕЖАМКОР ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Шукуржон Жабборова, Азamat Тоиров,  
ўз муҳбирларимиз

**Юртимизда сув азал-азалдан эъзозланиб келинган.** Бу албатта бежиз эмас, чунки сув бор жойда — ҳаёт бор. Шундан бўлса керак, сув билан боғлик бўлган касб эгаларига ҳалқимиз доимо алоҳида хурмат билан қараб келган. Шундай инсонлардан бири, бугунги сухбатдошимиз Хоразм вилояти Янгибозор туманирригация бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Азад Кузиевич Сапаевdir.

Азад Кузиевич 1965 йил 17 апрелда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган. 1989 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги — муҳандис-гидротехник. 2020 йилдан халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши депутати.

А.Сапаев меҳнат фаолиятини 1989 йилда Янгибозор туманидаги Бўстон давлат хўжалиги кадрлар бўлими бошлиғи сифатида бошлаган. 1994 йилдан 2003 йилга қадар ушбу ташкилотнинг Тафтиш комиссияси раиси лавозимида фаолият юритган. 2003 йилдан 2010 йилга қадар у Янгибозор туманидаги “Бобуржон” фермер хўжалиги бошлиғи бўлиб ишлаган. Кейинчалик “Шовот-Куловот” ирригация тизимлари бошқармаси “Дарёлик арна” канали муҳандис-гидротехники, Янгибозор туман “Қаландардўрман” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, “Қаландардўрман” сув истеъмолчилари ушмаси раиси, “Shovot tekstil” масъулияти чекланган жамият агромониторинг департаменти Қаландардўрман худуди раҳбари, Янгибозор туман мелиорация бўлими бошлиғи вазифаларида самарали фаолият юритган. 2021 йилдан ҳозирги кунга қадар А.Сапаев Янгибозор туман ирригация бўлимини бошқариб келмоқда.

Суҳбатимиз аввалида Азад Кузиевич Янгибозор туманида етишириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва суғориладиган ер майдонлари ҳақида қисқача маълумот берар экан, жумладан шундай деди:

— 2023 йилда туманда жами суғориладиган ер майдони 23764 гектарни ташкил қилиб, шундан 3100 гектар ер майдонида ғалла, 9480 гектар ер майдонида пахта, 1326 гектар ер майдонида шоли, 58 гектар ер майдонида макка, 3.0 гектар ер майдонида оқ жўхори, 293 гектар



ер майдонида сабзавот, 411 гектар ер майдонида полиз, 296 гектар ер майдонида картошка, 8 гектар ер майдонида дуккакли экинлар, 75 гектар ер майдонида мойли экинлар ва 1446 гектар ер майдонида озуқа экинлар экилган. Шунингдек, 1881 гектар ер майдонида боғлар барпо этилган, 2783 гектар ер майдони эса томорқачиларга ажратилган. Ҳозирги кунда пахта даласига ариқ ва чел олиш ишлари якунланиб биринчи суғориш ишлари 9428 гектар (99%) майдонда, иккинчи суғориш ишлари 3079 гектар (32%)

майдонда олиб борилган. Бундан ташқари, шоли майдони 1668 гектар, сабзавот ва полиз экинлари 7416 гектар, озуқа экинлари 8823 гектар, боғ майдонлари 1881 гектар, томорқа ер майдонлари 2783 гектар ва такрорий экин сифатида экилган экинлар 2795 гектар ер майдонларида бир ва икки марталик суғориш ишлари олиб борилган...



**— Сув тежовчи технологиялар ҳақида батафсилоқ тўхталсангиз...**

— Туманда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича 2019 йилдан бошлаб, пахта майдонларида томчилатиб суғориш 1289 гектарда, ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологиялари 586 гектарда жорий қилинди. 2021 йил 700 гектар учун томчилатиб суғоришга 6,1 млрд. сўм субсидия ажратилганлиги ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. 2023 йил 310 гектар майдонди ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинди. Пахта майдонлари бўйича жорий йилнинг шу кунига қадар 15 та фермер хўжалиги 255 гектарни томчилатиб суғориши учун 6.37 млрд. сўм молиялаштирилган бўлиб, шундан 7 та фермер хўжалигида 105 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, ишга туширилди. Бу йўналишдаги

ишлар устидан назорат олиб бориш сув тежовчи технологиялар бўйича мутахассисимиз Рўзмат Абдураимов зиммасига юкланган. Туманимизда 2021-2023 йилларда ирригация тармоқларида сув ўлчаш учун "Ақлли сув" қурилмаларидан 19 та гидропостга ўрнатлиб ишга туширилганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда.

**— Ирригация тизимининг моддий-техник жиҳатдан таъминланганлик аҳволи қай даражада?**

— Янгибозор туман ирригация бўлимида жами 24 ишчи-ходим меҳнат қиласи. Бўлим тасарруфида биттадан экскаватор ва бульдозер мавжуд бўлиб, улардан каналларни тозалашда фойдаланилади. Экскаваторчилар Комолов Комилjon ва Музариф Умаров берилган топшириқларни ўз вақтида, масъулият бажариб, каналларни тозалаб борадилар. Гидротехниклардан Авезов Эркин, Холбоев Улуғбек, Урозбеков Алимбой, Худойберганов Анвар, Адамбаев Бекпулатлар сув истеъмолчиларини узлуксиз сув билан таъминлашда кечаю-кундуз меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПК-145-сонли қарорига асосан ирригация бўлимида маҳсус хизмат бўлими ташкил қилинганлиги ҳам ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Ушбу бўлимига бошлилик қилаётган Вапаев Халило фойдаланилаётган сув ҳисоб-китобларини аниқ қилиб олиб бормоқда. Муҳтасар қилиб айтадиган бўлсақ, тизимимиз ишчи-ходимлари сувни тежаш, ундан фойдаланишда янги замонавий технологиялардан фойдаланиш, истеъмолчилар талабини тўла қондиришга бутун куч-ғайратлари, билимларини сафарбар этиб келмоқдалар. Бу ишлар албатта ўз самарасини беришига ишончим комил.

Суҳбатдошимиз билан ҳайрлашар эканмиз, унга ўз олдида қўйган савобли ишларида муваффақиятлар тилаб қолдик...

# ТАДБИРКОР ҲАЛОЛ БЎЛСА, БАРАКАСИ БЎЛАДИ



**Т**адбиркорлик ўзи нима, кимлар тадбиркор бўла олади? Дарҳақиқат, ана шундай саволлар билан «Йилнинг энг фаол тадбиркори» қўкрак нишони соҳиби Набижон Ҳожиевга мурожсаат қилганимизда тадбиркорнинг жавоблари барчага қизиқарли бўлди.

— Тадбиркорлик ўз маблағини таваккалчилик асосида иш бошлашдир, — дея ўз сўзини бошлади у. — Қайсики мамлакатда тадбиркорликка кенг йўл берилса, ўша мамлакатда ривожланиш бўлади. Тадбиркор ҳалол бўлиши керак, ҳалоллик бор жойда барака бўлади. Бизнинг юртимизда бу фаолиятни юритиш учун барча қулайликлар, енгилликлар қонуний асослаб берилган.

— Эътиборингизга бир воқеани айтиб бераман, тадбиркорлик нима эканлигини тушуниб оласиз, — дея сўзини давом этди қаҳрамонимиз. — «Макис» бренди остида чиқариладиган макаронларни ҳаммамиз севиб истеъмол қиласмила. Шу заводга юпунгина кийинган бир йигит иш сўраб келади. Раҳбари бу йигит қийналган кўринади, дея уни ишга қабул қиласди. Орадан бироз вақт ўтиб йигит астойдил меҳнат қилиб ўзини кўрсатади. Ҳатто, бир йил

давомида оддий ишчиликдан цех бошлиғи лавозимигача кўтарилади. Ва кунларнинг бирида завод директорига ишдан бўшамоқчи эканлигини айтади. Табиийки, раҳбар ўз касбини устаси бўлган бу йигитни ишдан бўшатгиси келмайди. Лекин йигит турли баҳоналар қилиб, ишдан бўшайди.

Орадан бир неча ойлар ўтиб Самарқандда мақарон ишлаб чиқарадиган цех очилганини ва унинг маҳсулотлари заводнидан қолишимаслигини эшитган директор, уни ким очганлиги ва ишига роса қизиқади, бу қизиқиши уни Самарқандга етаклайди. Бориб не кўз билан кўрсинки ўзини шогирди бўлиб чиқади. Дарвоҷе, тадбиркор бўламан деган, инсон аввало, унинг сир-асрорларини қунт билан ўрганиши керак...

Тадбирни Савдо-саноат палатаси Чиноз тумани бўлими бошлиғининг ўринbosари Сурайё Ахмедова олиб борди.

Унда Чиноз тумани ҳокими ўрин-босари Мирғиёс Қодиров қатнашди ва сўзга чиқди. У «BASIS STAR» МЧЖ раҳбари Набижон Ҳожиев ҳақида йиғилганларга тўлиқроқ маълумот берди. Иштирокчилар томонидан берилган турли-туман, қизиқарли саволларга Набижон Ҳожиев ҳаётий мисоллар ила жавоб қайтарди.

Ўз мухбиришимиз.

# O'QITUVCHI — FIDOYI INSON

Quvonchoy Yuldasheva,  
UrDU Adabiyotshunoslik yo'nalishi magistri.



**Agar shogird shayxulislom, agar qozidur,  
Agar ustoz andin rozi — Tangri rozidur!**

*A.Navoiy*

Qur'oni Karimdag'i ilk oyat "Iqro" ('o'qing!') ekanidan ushbu muqaddas kitobning yettidan biri ilmga bag'ishlanganini anglashimiz mumkin. Zero, Islom - **ma'rifat dinidir. "Ma'rifat" esa arabchadan tarjima qilinganida "insonlarning ong-u shuurini oshirishga qaratilgan ta'limgarbiya, "maorif" demakdir..." Qur'onning mukarramligi sababi ham insonlar u tufayli ma'nani sog'lom, axloqan barkamol bo'lishidadir.**

Alloh Taolo O'zining Kalomida, qolaversa, Payg'ambarimiz (s.a.v) hadisi shariflarida har bir mo'min ulug'lashga, e'zoz ko'rsatishga buyurgan yetti toifa insonlar haqida aytgan. Bular: Ota, ona, ustoz, olim, Qur'ondan xabardor kishi, keksa odam, adolatli hukmdor.

Dunyoning rivoji, odamzot faoliyatida ustozning ahamiyati kattadir. Zero, insoniyatning ilk ustoz Alloh Taolo ekanligi Baqara surasining 31-oyatida ham alohida aytilgan: "U Odamga barcha yaratilgan va yaratilajak narsalarga tegishli nomlarni o'rgatdi. So'ngra ularni birin-kekin ko'rsatib shunday dedi: "Agar e'tirozingizda rostgo'y bo'sangiz, ana u narsalarni Menga nomma-nom aytib bering!"

Yer yuzidagi musulmonlarning insonlar orasidagi ustoz - Muhammad alayissalomdirlar. Har bir inson uchun esa eng, avvalo, oq-

qorani tanitishda ota-onada ustozlik qiladi. Bulardan keyingi o'rinda esa unga xat-qalamni o'rgatuvchilar - ustozlar turadi.

Shuning uchun Islom dinida ustoz-muallimning o'rni beqiyosdir. Qur'oni Karimda shogirdning muallimga muomalasi, ehtiromi qanday bo'lishi kerakligi chiroyli bayon qilingan. Janobi Payg'ambarimiz (s.a.v) ham ustozlik darajasi xususida iliq fikrlarni ilgari suradi: "Yer va osmondagi barcha narsalar, hatto, dengizdagi baliqlar ham insonlarga yaxshilikni o'rgatuvchi ustoz haqqiga istig'for aytib turadi..." Darhaqiqat, haqqiga butun jonlilar, ko'k farishtalari mag'firat istab turgan kishi darajasidan ulug'rog'i bormikan?!

Bundan tashqari, Alloh Taoloning o'zi ham muallimga ko'rsatilajakehtirom namunasi o'laroq Muso va Xizr alayhissalomlar suhbatini keltiradi. Kunlardan bir kun Muso Xizr alayhissalom huzuriga kelib undan: "Sizga bildirilgan bilimdan menga ham to'g'ri yo'lni ta'limg berishingiz uchun sizga ergashsam maylimi?" - deb so'raydi. Qarang, bu qanday go'zal iltifot, qanday iliq tavoze? Muso alayhissalom o'ziga in'om etilgan bir qancha ilmlarga, alohida darajalarga qaramasdan, ilmi laduniy sohibi bo'lgan Xizr alayhissalomdan yoqimli muomala ila izin istaydi.

Darhaqiqat, ustozga ehtirom ajdoddlardan meros qolar ekan, har bir aql-farosat egalari "Ustoz va murabbiylar" kunida ilk o'zining doimiy peshqadamlari -ota-onasidan tortib

to xat-savod o'rgatgan muallimigacha ulardan xabar olib, ko'ngillarini ravshan qilib, hayrli duolaridan bahramand bo'lmoqqa shoshiladi. Axir xalqimizda "Ustoz - otangdek ulug'" degan hikmat bor. Zero, inson barkamol bo'lib voyaga yetishida ota-onas bilan bir qatorda ustozning ham o'rni ahamiyatlidir. Chunki, ustozlar bizning o'sib kamol topishimiz uchun bor bilim va ko'nikmalarini, sabr-matonatini baxshida qiladilar. O'zgalarga bilim ulashish, ma'rifat suvidan bahramand qilish g'oyatda savobli amallardandir. Bu yo'lda fidokorlik qilgan har qanday insonning darajasi buyukdir. Ilm o'rganish, izlanish naqadar yaxshi fazilat sanalsa, uni tarqatish, o'rgatish undan-da ustunroq maqomdir.

Ustoz va murabbiylar kelajak avlod nasllarini mutaxassis sifatida voyaga yetkazishmoqda. Dunyo bo'ylab minglagan kasblar bor. Ammo, ular ichida eng sharaflisi va mas'uliyatlisi, mutlaqo, o'qituvchilikdir. Alloh Taolo O'z Kalomida buni alohida ta'kidlab: "U sizlardan imon keltirgan va ilm ato etilgan zotlarning darajalarini yuqoriga ko'tarur. Albatta, Alloh sizning nima qilayotganingizdan xabardordir..." deydi "Mujodala" surasining 11-oyatida. Boshqa bir hadisi shariflarda esa ilm o'rgangan olimlar darajasi ilmsizlar darajasidan yetti yuz marta yuqoridadir va har bir darajaning oralig'i besh yuz yilga tengdir..." deyiladi.

Islomiy ta'limotimiz ham, ota-bobolarimiz o'gitlari ham, Qur'on g'oyalari va xalq maqollari ham o'zaro hurmat, ilmli kishilarni e'zozlashni targ'ib qiladi.

Xususan, she'riyat mulkinining sultonii - Alisher Navoiy ham buni quyidagi misralari orqali isbot qiladi:

**Haq yo'linda kim sanga bir harf o'rgatsa ranj ila,**

**Aylamoq kerak oning haqqin yuz ming ganj ila...**

Holbuki, inson sohib bo'lgan daraja va mansablarning eng yuqorisida tursa ham ustozni undan rozi bo'lmosg'i darkor. Aks holda, ustozni norozi qilgan shogird hayotda hech qanday yutuqqa erisholmaydi, xalq orasida hurmat qozona olmaydi.

Shu o'rinda bir rivoyat diqqatimizni tortadi. Kunlardan bir kun xalifa Ma'mun o'z o'g'lini bitta ustozga shogirdlikka topshiribdi. Oradan vaqt o'tgach, Ma'mun farzandining tahsilidan xabar olish uchun o'sha ustoz dargohiga boribdi. Ko'ribdiki, o'g'li - mamlakat shahzodasi ustozining oyoqlariga suv quyayotgan ekan. Bundan g'azablangan, biroz tortingan xalifa Ma'mun ustozga qarab: "Ey ustoz! Biz o'g'limizni sizdan odob o'rganmoq uchun tahsilga berdik. Unga aytingki, bir qo'lida suv quyib, bir qo'lida oyog'ingizni yuvsin!.." Ko'rib turibmizki, o'sha davrlardanoq ustoz martabasi ancha ulug'langan. Hatto, davlat hukmdorlari o'z farzandlari kamoli uchun ularga yoshlidan ustozlar tayinlashgan. Ustoz maqomi ko'klarga ko'tarilgan. Chunki, ustoz shogirdga faqat dunyoviy ilmlar o'rgatibgina qolmasdan, qator tarbiyaviy, diniy bilimlar, odob qoidalarini ham o'rgatgan.

Ana shu haqiqatlarga tayangan holda, bugungi kun yoshlari sifatida biz ham ustoz va murabbiylarga doimiy ehtiromimizni izhor qilmog'imiz, qanday xizmatlari bo'lsa-da shay turmog'imiz, ularning huzurida beadabliklar qilishdan saqlanmog'imiz kerak. Bular nafaqat shogirdlik burchimiz balki insoniyligimiz oldidagi ilk vazifamiz hamdir.

Yurtimizda har yili 1-oktabr "O'qituvchi va murabbiylar kuni" sifatida nishonlanib kelinmoqda. Bu sa'y -harakatlarning bari aziz va mukarram bo'lgan ustozlarimizni e'zozlashga qaratilgan. Prezidentimiz SH.Mirziyoyevning quyidagi fikrlari ham buning yaqqol dalilidir: "Haqiqatan, bir murg'ak bolani o'z farzandidek ardoqlab, avlod uchun ko'z nuridan, qalb qo'ridan kechuvchi o'qituvchi va murabbiylar tom ma'nodagi fidoyi insonlardir".

Biz ham, albatta, shu fidoyi insonlar qatorida bo'lishlikdan umidvormiz. Bu kasbning bor mashaqqat va chigalliklariga chirolyi sabr ila qanoatlanishga, kelgusi avlod uchun kerakli shaxs bo'lish uchun izlanishdamiz. Alloh O'zi barchamizning bu boradagi niyatlarimizni qo'llab-quvvatlasin. Qolaversa, ustoz-u ulamolarimizning ziyo tarqatish yo'lidagi sa'y-harakatlariga ulkan sabrlar, faoliyatlariga muvaffaqiyatlar tilaymiz...!

# ШИЖОАТЛИ АЁЛ ҲАМ МОҲИР ҚАЛАМ СОҲИБАСИ

Рамазон Рустамов,  
ӯз мухбириимиз

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2007 йил 18 декабридаги итифилишида 15 октябрь “Халқаро қишлоқ аёллари куни” деб расман эълон қилинган. Бугунги кунда дунёнинг қўплаб давлатларида мазкур сана Халқаро қишлоқ аёллари куни сифатида кенг нишонланниб келинмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ушбу сананинг “Халқаро қишлоқ аёллари куни” этиб белгиланиши республикамизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш, улар учун муносиб меҳнат ва яшашиб шароитларини яратиш ўйлида амалга оширилаётган тизимили ислоҳотларнинг натижаларидан, десак муболага бўлмайди. Шу муносабат билан биз Тошкент вилоятининг Чиноз туманид туғилиб, ўзининг билими, ҳалол меҳнати, шиҷоати билан тумандада, вилоят миқёсида қўзга қўринган, жсамоат арбоби даражасига етган қишлоқ аёли Сурайё АҲМЕДОВА ҳақида сўзлаб бермоқчимиз.*



Сурайё Аҳмедова 1963 йил 20 августда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган.

2006 йилда “Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги”, 2016 йилда “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

2005-2010 йиллар Олий Мажлис Конунчилик палатасининг депутати.

Салкам 40 йиллик меҳнат стажига эга бўлган қаҳрамонимиз 2016 йилдан 2022 йилгача “Чиноз ҳаёти” газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади.

С.Аҳмедовамеҳнатфаолиятидавомида ўзининг ташаббускор, фидойи инсон ва жонкуяр журналист эканини намоён қила олди. У аҳоли фаровонлигини яхшилаш, жиноятчилик олдини олишга қаратилган, хотин-қизларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид мақолалари билан нафақат тумандада, вилоят ва республикада ҳам элга танилди. У бир қатор танқидий мақолаларнинг муаллифи бўлиб, айниқса, “Кўк қарға қачон келади”, “Чўп суқса кўкарадиган ерларимиз бор”, “Ташқариси “хай-хай”, ичкариси “вой-вой” каби мақолалари шулар жумласидандир.

Унинг раҳбарлигида “Маҳалла” телеканалининг “Қишлоқ қўйнидаги баҳт”, “Халқ виждони” ток-шоусида, “Дунё бўйлаб” каналининг “Сув ёқалаб”, “Юзмазуз” кўрсатувлари орқали маҳаллада умргузаронлик қилаётган аҳил-инок, меҳр-оқибатли чиноз-ликларнинг ибратли урф-одатлари, қишлоқ қўйнида бир олам

орзу умидлар билан яшаётган аёлларнинг қувонч ва ташвишлари кенг жамоатчилик эътиборига намойиш этилди.



Маънавий муҳитни янада барқарорлаштириш, соғломлаштириш, ёшларни турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолмасликлари ва шу каби нохушликларнинг олдини олиш бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб. Шу боис кейинги йилларда Чиноз туманида маҳаллаларнинг бошланғич хотин-қизлар қўмитаси, ИИБ, жомеъ масжидининг имом хатиби, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши ходимлари билан ҳамкорликда “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари”, “Маҳалла — тарбия мактаби”, “Энг китобхон хонадон”, “Оиланинг китобхон бекаси”, “Терроризм — аср вабоси” ва “Бир болага етти қўшни ота-она” каби йўналишларда турли тадбирлар ташкил этилди. 200 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, аҳоли ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари пировардида ёшлар

орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатларининг олди олиниб, келажагимиз бўлган оиласларнинг фаровонлиги ва тинч-тотувлигини янада мустаҳкамлашга эришилди.

Хусусан, С.Ахмедова саъй-ҳаракати билан 2018-2020 йиллар мобайнида кўпгина маҳаллаларда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг диний экстремизм ва турли диний оқимлар, маънавий-мағфуравий таҳдидлар таъсирига тушиб қолишиларнинг олдини олиш мақсадида “Дин ва ёшлар”, “Ислом динининг жамиятда, оиласда тутган ўрни”, “Ислом динининг ёшлар тарбиясидаги ўрни”, “Оммавий маданият – маънавият кушандаси”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз” каби мавзуларда 100 дан ошиқ тадбирлар ўтказилди.



Ўз навбатида, тўй ва бошқа оиласлар маросимларни ихчамлаштириш йўлида туман комиссиясининг аъзоси сифатида аҳоли ўртасида “Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз”, “Исрофгарчиларнинг олдини олайлик”, “Миллий қадрият-

ларимизни асрайлик” каби мавзуларда ўтказилган давра сұхбатлари орқали у түйларни ихчам, камхарж ҳамда тартибли ўтишига, шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг аъзоси сифатида айрим нотинч оила аъзоларига кўрсатган ғамхўрлиги ва берган панд-насиҳатлари туфайли бир қанча оиласларнинг ярашиб кетишига, бегуноҳ, жажжи болажонларимизнинг тирик етим бўлиб қолмаслигига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Ажримларнинг олдини олиш ташаббуси билан чиқиб, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда “Оилада отанинг ўрни”га алоҳида эътибор қаратиб, жойларда кўпни кўрган оталар, ҳар ишда намунали ака-укалардан иборат “Оталар маслаҳат кенгаш”лари фаолиятини йўлга қўйди. У “Халқ қабулхонаси” масъуллари билан ҳамкорликда тумандаги 54 та маҳаллада бўлиб ўтган сайёр қабулларда фаол иштирок этди.



Вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошидаги “Ижодкор аёл” кенгашининг фахрий аъзоси С.Аҳмедова вилоятнинг Қибрай, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Чиноз туманларида китобхонликни тарғиб қилган бўлса, туман “Ижодкор аёллар” кенгашининг раиси сифатида ўзига бириктирилган Яллама худудидаги “Кир”, “Соҳибкор” маҳаллаларида аҳолига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони моҳиятини етказишида жонбозлик кўрсатди.

Туманда Алишер Навоий таваллудига бағишлиб ўтказилган “Назм ва Наво” кечасининг илк ташкилотчиси бўлмиш С.Аҳмедова “Ёш китобхон” республика кўрик-танловининг туман босқичида ҳайъат аъзоси сифатида ёш китобхонларни саралаб, уларни вилоят босқичига йўлланма беришда шаффофликка алоҳида эътибор қаратгани, ўзининг ташкилотчилиги, зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндошиши билан туманда ва маҳалладошлари ўртасида обрў-эътибор қозонди.

Сурайё Аҳмедова аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, жумладан, фуқаролар ўртасида эзгулик, ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясини, миллий қадрияларимиз ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, ривожлантириш йўлида бор билим ва тажрибасини аямаслигини ўзининг бурчи, деб билади.

Айни пайтда ибратли оила бекаси, уч нафар фарзанду аржумандларини баркамол инсон қилиб тарбиялаётган меҳрибон она, уч нафар набирасиининг севимли бувижонисидир.

Мақоламиз қаҳрамони Сурайё Мирпизаловна ҳақидаги мухтасар ҳикоямизни якунида барча қишлоқ аёллари қатори уларни ҳам “Халқаро қишлоқ аёллари куни” билан самимий муборакбод этар эканмиз, ўзига ва оила аъзоларига сиҳат-саломатлик, баҳтсаодат, мамлакатимиз равнақи йўлидаги фидокорона фаолиятларида янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.

# БОШҚАРУВНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ УНДА ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

А. А. Мадалиев,  
Тошкент Renaissance universitu профессори,  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Кириш.** Аҳолининг онгли фаолияти ижтимоий белгиловчи моҳиятга эга бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишини талаб қиласди. Бундай фаолият барча мамлакатларда ўзига хос аҳамиятга эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастурига кўра ўтказилган тадқиқотлар натижасида жаҳон ҳамжамияти эга бўлган бойликнинг 64,0 фоизи инсон салоҳияти ҳиссасига тўғри келиши аниқланган. Табиий ресурслар ва жаҳондаги мавжуд барча ишлаб чиқариш-технологик инфратузилма улушкига эса, жаҳон умумий бойлиги ҳажмининг атиги учдан бир қисми тўғри келди. Инсон салоҳияти даражаси Шимолий Америкада 76,0 фоизни, Фарбий Европада 74,0 фоизни, Жанубий Америкада 74,0 фоизни Яқин Шарқда 43,0 фоизни, Шарқий Осиёда 77,0 фоизни ташкил этади. Яқин Шарқ мамлакатларининг асосий бойлиги эса табиий ресурслар бўлиб, бу давлатларда инсон салоҳияти энг паст даражададир. XXI асрда инсон салоҳияти миллий бойликнинг асосий қисми ва ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланганлигини тасдиқлаш мумкин.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайси мамлакатда давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси кам ва инсон омилиниң фаоллиги юқори бўлса, ўша давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида демократик тамоиллар устуворлик касб этади. Жамият тараққиётининг асосий вазифаларидан бири – демократик ва фуқаролик жамият қуриш жараёнида фуқароларнинг мамлакатда амалга ошадиган янгиланиш ва ислоҳотлардаги фаоллигини таъминлаш учун шарт-шароит яратишдан иборат. Бу каби омиллар ижтимоий ҳаётда ҳамда давлат ва жамият бошқарувида амалга ошириладиган ислоҳотлар жараёнида ҳам, ўзига хос уйғунликни тақозо этади.

**Материаллар ва усуллар.** Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида инсон омилиниң фаоллашуви демократиянинг ривожланишига

хизмат қиласди. Бошқача айтганда, инсон омилиниң фаоллиги, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки, унинг онги ва маданияти даражаси билан белгиланади. Шу боис, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳада ривожланиш, демократлаштириш жараёни инсон омили билан боғлиқ тарзда кечади. Зеро, янгиланиш ва ислоҳотларнинг мақсади инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган экан, уларни ҳал этишда фуқароларнинг фаоллигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиб бериш даркор. Бу эса катта маблағ ёки куч талаб этмайди. Лекин унга жуда катта умид боғлаш мумкин. Яъни ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёни инсоннинг фаол иштирокисиз амалга ошмайди.

«А. Смитнинг «кўринмас қўл» тамойили ҳозирги кунда жуда кўп тилга олинмоқда. У ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 й.) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатdir», деб кўрсатади.

«Инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадр-қиммати борасида миллий истиқлол ўз олдига қўйидагиларни мақсад ва вазифа қилиб қўяди:

– инсоннинг қадр-қимматини жойига қўйиш;

– инсон учун бахтли ҳаёт шароитларини яратиш;

– инсоннинг ўзлигини англаши, ижтимоий бурч ва вазифаларини адо этиши, соғлом авлодлар узлуксизлигини таъминлаши, келгуси авлодларга яхши хотиралар қолдириши ҳамда иймон-эътиқоди бутун бўлиши учун кулай шароитлар яратиш».

Инсон омили умумтарзда кенг маънодаги инсон ва унинг имкониятларини назарда тутади. Бундай кучни барпо этиш учун жуда кенг миқёсдаги инсоний сифатлар мажмуи иштирок этадики, ана шуларнинг барчасидан унумли фойдаланиш – инсониятга ютуқлар, омадларга эришишида ва орзу ниятларига етишишида бекиёс восита вазифасини ўтайди.

Ишлаб чиқаришда инсон ролига янгича қарашнинг ифодаси сифатида 80-йилларнинг

ўртасида иқтисодий адабиётларда “инсон омили” ва “мөхнат салоҳияти” деган терминлардан тез-тез фойдаланиладиган бўлди. Бу билан одатда инсоний (гоҳо шахсий) деган тушунчалар иқтисодиётда инсоннинг фаол ролига эътибор қаратиш лозимлигини назарда тутади. Бу энг кўп даражада янги ижтимоий шароитда ҳали тирик мөхнат манбаидан самарали фойдаланишга мос эмаслигини тавсифлайди.

“Инсон омили” тушунчасига “ишли кучи” ва “мөхнат ресурслари”га нисбатан кенг ва чукур маъно сингдирилган. Одамларнинг мөхнат ресурслари доирасида кўрилиши амалда уларни ишлаб чиқаришда моддий-буюм омилига, яъни техника, хомашё, энергия ва бошқалар билан тенгластириб қўйилганлигини билдиради. Бундай ёндашувда одамлар гах ўзалик фаолиятида онгли субъект сифатида эмас, бошқарув обьекти сифатида қаралмоқда. Академик Т.И.Заславская “Инсон омили – “бу ўзаро таъсир этувчи, турли поғона (класс) ҳолатларини эгалловчи қатлам ва гуруҳларнинг жамиятни тараққий парвар ривожланишини таъминловчи фаолият ва ўзаро таъсирдир” – дея таъриф беради. Умуман олганда, инсон омили – инсонни турли ўлчовларда намоён этади: мөхнаткаш, фуқаро ва оила аъзоси, кўп қиррали ҳис-туйғу ва ўй-тилаклар эгасидир.

Корхона бизнесини ва инсон капитали қийматини доимий баҳолаб бориш – инсон капитали узлуксиз ривожланиши натижасида корхонанинг рақобат дошлигини орттириб боради ва бизнеснинг жозибадорлигини оширади. Инсон капитали концепцияси муаллифларидан С.Фишер бу ҳақда шундай дейди: “Инсон капитали туғма қобилияти ва истеъдод ҳамда эгалланган малакани ҳам ўзида жам этади” – дейди.

Шу ўринда тасаввуф илмига мурожаат этмоқлини лозим топдик. “Иbn Арабий “Фусусул ҳикам” китобида инсонни “борлиқнинг йиғиндиси” деб билади. Борлиқ, орифлар истилоҳида тириклик олами. Инсон борлиқнинг холосаси ва асоси. Инсон, ҳақиқатда, олам руҳи ва олам унинг жасади. Яъни инсонсиз олам жонсиз вужуд. Шундай қилиб, инсон бутун борлиқдан олинган мукаммал андоза” дейилади.

**Тадқиқот натижалари.** Инсон омили жуда кенг маънодаги тушунча бўлиб, унга қуйидагича таъриф беришни тавсия этамиз: инсон омили – бу инсоннинг жисми ва руҳиятининг қобилияти, олами, қудрати ва инсонийлик маконидир. Яъни, умуман олганда инсонийлик – келбати (габарити) дид.

Инсонни фаоллаштириш – унда мужассам топган хусусиятлар, имкониятлар ва сифатлар эвазигагина амалга ошади. Ўйлаб топилган сунъий ўйл-йўриқлар узоққа бормай, маълум масофада қолиб кетади, изини йўқотади.

Яккаҳокимлик усули билан бошқариш исталган натижани бермаслиги ҳаётий ҳақиқатдир. Лекин шундай бўлсада, инсонлар фаоллигини ошириш учун қулаги ва эркин усулнинг йўқлиги, бу ишни маъмурий-буйруқбозлик йўли билан амалга оширишга эътибор устуворроқдир.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг мақсад ва моҳиятини англаб етишда инсоннинг шахсий орзу-ҳаваслари, унинг ички дунёси, талаб ҳамда эҳтиёжлари ҳисобга олинмаса, ёки илмий асосга эга бўлмаса, бунинг пировард ечими ҳеч қачон ижобий натижага бермайди. Ривожланишнинг бош мақсади билан уни амалга ошириш воситалари, шакллари, услублари ўртасида вужудга келган номувофиқликлар ижтимоий тараққиёт суръатларига, одамларнинг феъл-атворига, ғоявий, ахлоқий-руҳий дунёсига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Иқтисодий тараққиёт одамлар манфаати учун хизмат қилиши керак, бунинг учун уларнинг ривожланиш даражаси асосий восита бўлиб хизмат қиласди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури таърифика: “Инсонни ривожлантириш – одамларни кенгроқ танлаш имконияти билан таъминлаш жараёнидир. Бундай танловнинг чексиз бўлиши ва вақт ўтиши билан ўзгариши муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ ривожланишнинг барча даражаларида узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билимларни эгаллаш ва муносиб турмуш кечиришда зарур бўлган ресурслардан фойдаланиш имкониятлари инсонни ривожлантиришнинг асосий моҳиятидир. Агар инсонда бундай асосий танлов бўлмаса, у бошқа имкониятлардан ҳам фойдалана олмайди” дейилади.

Бугунги кунда жамият олдида турган вазифаларни одамларнинг онгли, асосли, ҳаётбахш ва яратувчан фаолиятисиз ҳал қилиб бўлмайди. Инсон омилини фаоллаштиրмасдан туриб, қилинадиган ҳаракатлар фойда бермаслиги аён. Инсонларга саъй-ҳаракатлар орқали намоён бўлувчи маънавий ишонч, руҳ, чин иштиёқ, онгли фаоллик зарур.

Професор В.Д.Камаев бошчилигидаги муаллифлар томонидан ёзилган «Иқтисодиёт назарияси асослари бўйича дарслик» китобида иқтисодиёт фанининг предмети – чекланган ресурслар дунёсида неъматларни ишлаб чиқаришдаги кишиларнинг хулқ-атвори ва уни бошқаришни ўрганишдан иборат» деб таъкидланади.

«Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси ва улкан саъй-ҳаракатлари натижасида инсон тараққиёти концепцияси ҳозирда дунёнинг барча мамлакатларидағи сиёсатчи ва оддий инсонларнинг ўй-хаёлларига қадар кириб борди. Ҳар қандай демократик жамият

ривожланишининг асосий мақсади – инсон деган, бир қарашда оддий, аммо унинг замирида бир олам маъно яширган. Фикр ҳар бир мамлакат ҳукумати олдига жамиятда юқоридаги мақсадга эришишга ёрдамлашадиган ҳаёт тарзини шакллантириш ички ва ташки сиёсат юритиш вазифасини қўяди.

Ҳар қандай мамлакат, у бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар, инсон тараққиёти ғояларига содиқлигини қуидагилар орқали кўрсатиши мумкин:

- иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қулай имкониятлар яратиш;

- ижтимоий муроса ва барқарорликка имкониятлар яратиш;

- аҳолига фаолият соҳаси, даромад олиш, ижтимоий неъматлар олиш ва ривожланиш имкониятларини эркин танлаш учун кенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар яратиш;

- жамият ҳаётига таалуқли бўлган қарорларни қабул қилишда омма иштирокини кенгайтириш.

Барқарор инсон тараққиёти концепциясида одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан кўзлаган энг асосий мақсади, манбай одамни тараққий эттиришга эътибор қаратади. Бу ерда ишлаб чиқариш мақсад эмас, балки инсоннинг шу юксак номга лойик кун кечириш йўлидаги воситадир. Шу билан бирга бунда акс таъсир ҳам, мавжуд кишиларнинг тараққиёт даражасини ошириш орқали ишлаб чиқаришнинг янада юқорироқ даражасига эришилади. Жамиятнинг ривожланганида даражаси нафақат мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти юқорилиги билан, балки бу салоҳиятдан ҳар бир инсонни уйғун ва ҳар тарафлама ривожланириш учун қанчалик фойдаланаётганлиги билан ҳам ўлчанади».

Юқорида менежмент илмининг инсон омили билан боғлиқ кўплаб тадқиқотларининг илмий таҳлиллари, иқтисодиётни бошқаришдаги энг олий мақсади – аввало инсон омилини фаоллаштиришга эътибор қаратади. Бу билан инсон омили ижтимоий-иқтисодий тараққиётни вужудга келтиришнинг муҳим жиҳати сифатида асосланади ва иқтисодиётни барпо этувчи фигура сифатида доимо олимларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келади.

Маълумки, кейинги пайтда инсон меҳнати натижаларини баҳолашда номоддий актив кўринишдаги интеллектуал мулк, яъни илм-фан жадал ривожланмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш сифатига бўлган талабнинг ортиб бориши, рақобатнинг кучайиши, инновацион технологияларнинг ривожланиши – ишлаб чиқариш жараёнларини муттасил равища да такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса

таклиф этадилар. Иқтисодий самарадорликни таҳлил қилишда асосий масала иқтисодий самарадорликнинг маълум кўрсаткичларига (коэффициентларига) мос келувчи мезонларни танлашдир. Кутубхоналарда иқтисодий таҳлил элементлари (режа ва ҳисбот кўрсаткичларини таққослаш, мавжуд ресурсларни уларнинг эҳтиёжларига таққослаш ва бошқалар) узоқ вақт давомида ишлатилган. Кутубхона самарадорлигини баҳолаш мураккаблигини библиографик фаолиятнинг бир неча омиллар билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, мураккаблик кутубхонанинг инновацион фаолияти натижаларининг аниқ эмаслиги билан боғлиқ.

Иккинчидан, инновацияларни амалга оширишнинг муваффақияти нафақат инновацияларнинг асосий ғоясининг ҳаётйлигига, балки кутубхонанинг инновацион салоҳиятига ҳам боғлиқ. Кутубхоналарнинг турли шароитларида турли даражадаги муваффақият билан бир хил ғояни амалга ошириш мумкин. Шунинг учун инновацияларни баҳолашда инновация жараённинг ганиқтарихий шартларидан, унинг ижтимоий, иқтисодий, технологик ва ташкилий хусусиятларидан келиб чиқиш лозим.

Учинчидан, инновацияларда миқдорий ёки сифат жиҳатидан қўлга киритиш қийин бўлган сифатли таъсиrlар ва иқтисодий кўрсаткичлар мавжуд. Ахборот фаолияти мураккаб ҳодиса, шунинг учун унинг натижалари тўғрисидаги миқдорий маълумотлар кутубхона фаолиятнинг алоҳида йўналишларидаги ҳақиқий самарадорлиги ва сифати ҳақида тасаввур бермайди. Шундай қилиб, самарадорликнинг асосий мезони инновацион фаолиятдан олинган натижада ҳисобланади.

Бироқ, бу мезон инновацион фаолиятнинг инновацион салоҳияти (ташкилий шартшароитлари)ни тавсифламайди, яъни унинг муайян кутубхонадаги тўсиқ ва зиддиятларини аниқлашга имкон бермайди. Шунинг учун инновацион фаолиятни таҳлил қилишда инновацион жараённинг ташкилий шартшароитларини баҳолаш мезонларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Инновацион фаолиятнинг қадрланиши ижтимоий инновациянинг самарадорлиги билан ўлчанади.

Биз ҳозир кутубхона кўрсаткичлари асосида баҳолаш мезонлари ва инновацион фаолият кўрсаткичлари самарадорлигини аниқлаш омилларини кўриб чиқамиз.

1. Инновация фаолиятининг самарадорлиги:

кутубхонага сўровлар сони, шу жумладан

масофадан хизмат кўрсатиш шакллари; рад этилган сўровлар сони; кутубхона томонидан ўтказиладиган тадбирлар сони ва давомати; кутубхона томонидан фойдаланувчилар учун амалга ошириладиган янгиликлар (маҳсулот ва хизматлар) сони; кутубхона янгиликларига бўлган талаб (уларни истеъмол қилиш даражаси).

2. Инновацион фаолиятни ташкил этишда кутубхонанинг инновацион салоҳияти кўрсаткичларнинг бешгуруҳини, яъни ташкилий, кадрлар, техник ва технологик, илмий-услубий ва мувофиқлаштиришни ўз ичига олади.

Ташкилий кўрсаткичлар: кутубхонанинг стратегик ривожланишига инновацион фаолиятни жалб этиш ва унинг мазмунининг шартлилигини тавсифлайди. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлари қаторига қуйидагилар киради: кутубхона фаолият кўрсатаётган устувор йўналишлар сони; ушбу соҳалар амалга ошириладиган мақсадли дастурларнинг мавжудлиги; кутубхона ва унинг фаолиятини ривожлантиришни белгиловчи ягона узоқ муддатли режанинг мавжудлиги, ташкилий тузилма ёки кутубхонанинг инновацион мақсадларига мувофиқлиги.

Кадрлар: кутубхонанинг инновацион фаолияти нафақат фойдаланувчилар, балки кутубхона ходимлари фаолиятини ҳам такомиллаштиришга қаратилган. Ижтимоий самарадорликнинг фақат айрим таркибий қисмлари мустақил баҳолашга эга ва иқтисодий самарадорлик: кутубхона ходимларининг сони, касбий профессионал таркиби, автоматлаштирилган иш жойлари сони, кутубхона ходимлари учун меҳнат шароитлари ва меҳнат шароитларини яхшилаш, иш вақтни тежаш, меҳнат унумдорлиги каби ҳисобларда акс этади:

Техник ва технологик таъминоти: ушбу кўрсаткичлар гурухи инновацион ғоянинг мослигини, замонавий техник ва технологик талабларни, амалиётда инновацияларни ривожлантириш истиқболларини баҳолайди. Унда компьютер техникаси, периферия қурилмалари (принтерлар, сканерлар, компютерлар) сони; интернетга киришнинг мавжудлиги, ўз веб-сайтингизнинг мавжудлиги.

Илмий-услубий таъминоти: инновацион тажрибани аниқлаш учун кутубхона фаолиятининг мавжудлиги, лойиҳа фаолиятининг мавжудлиги, тадқиқот фаолиятининг мавжудлиги; кутубхонанинг професионал танловларда иштироки.

Кутубхона амалиётининг инновацион

йўналишларида мувофиқлаштириш алоқалари (ижтимоий шериклик соҳалари) мавжудлиги: кутубхонанинг координацион алоқаларининг мавжудлиги, ёшларга тематик хизмат кўрсатиш дастурларини, ижтимоий шериклик йўналишлари бўйича қўшма мақсадли дастурларни амалга ошириш вилоята Ўзбекистондаги бошқа кутубхоналарнинг инновацион фаолиятига жалб этилиши, маълумотнома, библиографик хизматлар ва корпоратив каталогглаштиришда иштирок этиш ва бошқалар [3].

Шундай қилиб, кутубхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш самарадорлиги ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади. Инновацияларни амалга оширишдан олинадиган таъсир ҳажми бевосита маҳсулотда (маҳсулот сифатини яхшилаш ва маҳсулот оралиқларини ўсиши); технологик (ўсиш меҳнат унумдорлиги ва унинг шарт-шароитларини яхшилаш); функционал (бошқарув самарадорлигини ошириш); ижтимоий (кутубхона ходимлари фаолияти сифатини ошириш) қийматларда намоён бўлади. Бинобарин, инновацияларнинг қиймати бевосита улардан кутилаётган (башорат қилинган) натижанинг фойдалилиги билан белгиланади, бу эса жалб қилинган ресурсларнинг у ёки бу тури чекланганлиги муаммолини бартараф этиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кутубхонанинг инновацион фаолияти ахборот жамиятининг қулай шароитида кутубхонанинг ижтимоий институт сифатида ривожланиши билан боғлиқ. Кутубхона амалиётининг ҳақиқий ҳолати билан исталган йўл ўртасида бўшлиқ мавжуд бўлиб, уни фаол инновацион фаолият билан тўлдириш зарурати туғилиши табиий. Кутубхоналарнинг инновацион фаолияти бозор рақобатининг йўналишлари ва характеристи билан белгиланиши лозим. Кутубхона раҳбарлари томонидан янгиликка тўғри эътибор

беришлари, тинимсиз ижодий ишлашлари, кутубхоналарнинг истиқболлари тўғрисида дунё миқёсидаги янгиликлардан, ўзгаришлардан хабардор бўлиши керак. Инновациялар бошқарув обьекти бўлиши керак. Кутубхоналарнинг инновацион фаолиятига таъсир этиш методлари ва усуллари уйғунлиги бошқарувнинг ўзига хос тури - инновацион менежментни ташкил этади. Инновацион менежмент усулларидан фойдаланиш кутубхонанинг ташқи ва ички муҳитининг нокулай омиллари ва тўсиқлари билан чегараланади. Ушбу таълим кутубхона инновацион фаолиятини бошқаришнинг энг самарали усуллари ҳисобланади, лекин ҳуқуқий тартибга солиш кутубхона саноати ва маданият соҳаси минтақаларининг инновацион сиёсати давлат билан боғлиқ кутубхона ресурси билан таъминлаш, инновацион жараёнлар инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш жараёнлари каби бир қатор муаммолар мавжуд.

Бу муаммолар нафақат назарий даражада, балки амалиётда ҳам ўз тушунчаларини кутмоқда. Айни пайтда, юқори даражадаги мураккаб, интеллектуал ғояларни, кутубхона раҳбарлари ва кутубхона мутахассисларини қўллашга қаратилган харакатлар унинг устувор қисми инновацион фаолият ҳисобланади. Инновацион фаолият эса, янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолиятдир. [4]

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлага-нидек: “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни... айнан инновацион ғоялар асосида бошлашимиз керак. Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт йўлига ўтишимиз бежиз эмас. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади” [5].

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Arabov, N. Kadrlarni innovatsion boshqarish [Elektron resurs] / N. Arabov, E. Nexoda, D. Nasimov va boshq.- Кириш тартиби: <https://www.samdu.uz/cy/news/32240>
2. Инновацион фаолият тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 24 июль, ЎРҚ-630-сон Қонуни // Халқ сўзи. – 2020. –25 июль
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 2018. – Б. 19-20.
4. Матвеева, И. Ю. Библиотечная инноватика: учеб. пособие / И. Ю. Матвеева ; Челяб. гос. акад. культуры и искусств. – Челябинск, 2010. – 127 с.
5. Фатхутдинов, Р. А. Инновационный менеджмент : учебник / Р. А. Фатхутдинов. – 5-е изд. – Москва : Питер, 2005. – 448 с. – (Учебник для вузов).

# КИТОБХОН ОНАЛАР – БАШАРИЯТ ТАРБИЯЧИЛАРИДИР!



**Каримова X. К,**  
Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона  
маркази директори

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ва олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда уларнинг раҳбарлик лавозимларидағи фаолияти тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, азалдан юксак маънавиятни, китобга бўлган меҳр-муҳаббатни бувижонлар, онажонларимиз энг биринчи тарғиботчи бўлганликлари, айни қундаги муаммолар ва уларнинг ечимиға оид масалалар ўз аксини топган.

**Таянч сўзлар:** хотин-қизлар, оиласларни мустаҳкамлаш, маърифатли оналар, фарзанд тарбияси, ота-онанинг масъулияти, китобхонликни ошириш, китобхон оналар куни.

**“Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди”.**

*Шавкат Мирзиёев*

**Д**арҳақиқат, ҳар бир давлатнинг, жамиятнинг турли жабҳаларда сифатдаражасини белгиловчи қўрсаткичлардан бири ҳисобланган интеллектуал авлод сафининг кенгайишида ёшларнинг китобга бўлган меҳри етакчи омил ҳисобланади. Лекин, бугунги юксак ривожланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асрида бутун дунё бўйлаб нафақат ёшлар, балки кўпчилик катта ёшли инсонлар, айниқса оналаримиз, хотин-қизларимизни китоб ўқишига, мутолаага бўлган иштиёқини янада кучайтиришимиз айни куннинг долзарб вазифасига айланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро хотин-қизлар кунига бағишинган тантанали маросимдаги нутқида: «Оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-хунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради», - деб таъкидлаганида ҳам чуқур мазмун ва маъно ётибида.

Мустақил юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутафаккир жадид бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, “Оналар - бутун башариятнинг тарбиячилари”dir. Дарҳақиқат, оиласда бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-хунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгариши табиийдир. Шу мақсадда давлат раҳбари бошчилигида хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим дастурни қабул қилиниши ҳам барчамизни кувонтириди.

Тарихий манбалардан бизга маълумки, Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгач, «кўрагон» унвонига мушарраф бўлади. Кўрагон ибораси мўғулча сўз бўлиб, «куёв» деган маънони ифодалайди. Зеро, Сарой Мулк хоним мўғул хонларидан бирининг қизи бўлгани туфайли соҳибқирон Амир Темур мўғул хонининг кўёви, яъни «Амир Темур Кўрагон» номини олган эди.

Соҳибқирон Амир Темур хон авлодига мансуб малика Сарой Мулк хоним ҳарамдаги барча маликалардан улугроги ҳисобланиб, «катта хоним» ёхуд «Бибихоним» деган унвонга ноил бўлади. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Зотан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида ҳам беназир эди. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанинни севгувчи, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл эди. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор илиа қарар, толиби илмларга ҳомийлик қиласди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним қўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг яқдиллик билан берган маълумотларига кўра, ўта зийрак, тадбиркор Сарой Мулкхоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Сарой Мулк хонимга ошкора бўйсунмасада, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфахоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «Қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига «Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?» - деб ёзади ва уни чопарга тутқазади.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг кинояли замзамасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган кўй, қорамол, от ва түя суюкларини ўша куниёқ йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтириб,

катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради ҳамда мувакқат пул ўрнида муомалага киритишга фармон беради. Натижада, қўшни шаҳар ва қишлоқларда суяқ пулга қўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфахон шаҳари таслим бўлгач, суяқ пуллар зар билан алмаштирилади. Қиссадан хисса шуки, хотин-қизлар заковати ҳар жабхада керак.

Оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулиятини ошириш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан бири хисобланади. Президентимиз бу борада обрў-эътиборли, билимли хотин-қизлардан иборат «Оқила аёллар» ҳаракатини ташкил қилиш таклифини билдириди. – Бу ҳаракат «маҳалланинг виҷдони»га айланиши керак. Чунки маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бугун жамиятимизда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштиришборасида ҳардоимги даврдан бир неча баробар кўп миқдорда самарали ишлар амалга оширилмоқда, ташвиқот-тарғиботлар олиб борилмоқда. Шундай бўлса ҳам, оилавий муҳитда китобхонлик маданияти такомили қониқарли даражада деб бўлмайди. Китобсевар оилалар билан бир қаторда, уларнинг акси бўлган оилавий муҳитни ҳам учратишимиш ачинарли.

Шу боис ҳам, кейинги вақтларда Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламлари, ҳусусан, ёшларни китоб мутолаасига қизиқтириш, шу орқали уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, дунёқарашини шакллантириш, жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд этиш муаммосини ҳал этишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармони қабул қилинди. Ўтган қисқа даврда ушбу фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони, 2 та қарори, ҳукуматимизнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди.

Ана шу ҳужжатлар асосида илгари имкониятлари чекланиб, фаолияти сусайиб қолган Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янги асосда ташкил этилди. Уларга қўшимча ваколат ва

имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда ушбу тизимда катта билим ва ҳаётй тажрибага эга бўлган 10 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз хизмат қилаётганлиги ушбу йўналишда учраётган муаммоларга ечим топишда жуда кўл келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлимлари қошида “Хуқуқшунос аёллар”, “Илм-фан ва аёл”, “Ижодкор аёллар”, “Ташаббускор аёллар”, “Аёл ва саломатлик”, “Фахрий аёллар” жамоатчилик уюшмалари ташкил этилиши, “Йил аёли”, “Ибратли оила” танловларининг ўтказилиши, энг асосийси, амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва юртимиздаги сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилиб, З мингга яқин етакчи хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани эътиборга лойиқдир. Айни вақтда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш тизими яратилаётганлиги мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истиқболга эга эканини кўрсатади. Демак бу ҳаракатларнинг барчасининг замирида, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда китобхонлик, мутолаа маданиятини ошириш жараёни долзарблигича қолмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқиши, инфратузилма ва ўқув тизими, китобхонлик билан боғлиқ муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.12.2020 йилдаги № 781-сон қарорига асосан “2020-2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури” қабул қилиниб, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Ушбу дастурга асосан Ўзбекистонда 2021 йилдан бошлаб ҳар йили апрель ойининг биринчи ҳафтаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан бир қатор манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигига

“Китобсевар миллат” шиори остида “Китобхонлик ҳафталиги” юқори савияда ўтказилиши янада китобсеварлар сонининг ортишига, мутолаа маданиятининг ошишига олиб келмоқда.

Шу ўринда, китобхонликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга давлатимиз томонидан юксак эътиборни, яъни “Ёш китобхон”, “Энгяхшикитобхоноила” республика кўрик-танловларининг ҳар йилги ғолибларига бош соврин сифатида енгил автомобиль совға қилиб келинаётганлиги фахрли, ифтихорли ва эътирофлидир.

Мамлакатимизда, айниқса, сўнгги йилларда ушбу йўналишда салмоқли ислоҳотлар амалга оширилиб, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Натижада бугунги кунда аёллар жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида тобора етакчи ўринларни эгаллаб, таълим, маданият ва илм-фан ривожига салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 40 фоиздан - 47 фоизга, тадбиркорликда 21 фоиздан - 37 фоизга етди. 2 минг нафарга яқин аёллар давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 25 фоизи хотин-қизларни ташкил этмоқда.

Агар бундан 6 йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 минг нафарни ташкил этмоқда. Шу тариқа бугунги кунда олий таълим олаётган талабалар орасида қизларнинг улуши 50 фоизга етгани тарихда мисли кўрилмаган натижа дейишимиз мумкин.

Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизлар учун 68 млрд сўмдан зиёд контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилган бўлса, 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга 727 млрд сўмга яқин фоизсиз таълим кредити ажратилгани уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилганидан далолатдир. Ёки бўлмаса эҳтиёжманд оиласаларда яшаётган қарийб 2 минг нафар қизлар, шунингдек, мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган 500 нафардан ортиқ хотин-қизлар

олийгоҳларга алоҳида квота асосида ўқишига қабул қилинганилиги албатта, “Олийгоҳларда таҳсил олаётган хотин-қизларимиз орасидан илм-фан, сиёсат ва жамоат арбоблари, машхур маданият ва санъат, спорт намояндадари етишиб...” чиқишига мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонига асосан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга мувофиқ аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор халқаро стандартларга мувофиқластириш, барқарор иқтисадий ўсишига эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислоҳотларимизни янги босқичга олиб чиқишига қаратилган 100 та мақсад кўзда тутилган.

Ушбу муҳим хужжатнинг 72-мақсади: Аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш, китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда «Китобсевар миллат» умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш ўз аксини топган:

худудларда китобхонликни тарғиб қилишнинг таъсирчан ва самарали усусларини жорий қилиш. Китобхонлик тадбирларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

худудларда ушбу йўналишда қулай шарт-шароитлар ва инфратузилма яратиш; китобхонлик тадбирларини таникли ижодкорлар, зиёлилар иштирокида адабиёт ва китобхонлик байрами сифатида юқори савияда ташкил қилиш;

«Китобсевар миллат» ойликлари доирасида маърифий тадбирлар, китоб савдо-ярмаркалари, китоб фестиваллари ва «Китоб карвони» акцияларини уюштиришга асосланганлиги билан янада муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, 69-мақсад:

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш;

жамиятда хотин-қизларга тазиик ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини

давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг таълим ва қасбий қўнікмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Шунингдек, Аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш, китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда соҳада ягона бошқарув тизимини жорий этиш масаласи ҳам алоҳида таъкидланган.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган мақсадларнинг ижроси сифатида бўлиб ўтаётган, анъанага айланиб ултурган, ўта долзарб ва ўз навбатида нуфузли маънавий тадбирга эътиборингизни тортмоқчиман.

2022 йил 17 октябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан ҳамкорликда «Қадринг баланд бўлсин она тилим» шиори остида «Мутолаа оламидаги китобхон миллат» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Онлайн ва оффлайн шаклда ташкил этилган тадбирда Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раҳбари Зулайҳо Маҳкамова, «Оқила аёллар» ҳаракати фаол аёллари, олима, ёзувчи, шоира, Тошкент шаҳар маҳаллалари фаол аёллари, 100 нафардан ортиқ кутубхона ходимлари иштирок этдилар.

Қўмита раиси Зулайҳо Маҳкамова, бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги роли ва ўрнини ошириш, оиласалардаги оналар маънавияти, маданияти ва билимларини ошириш орқали келажак авлодларимизни комил инсон қилиб тарбиялашга эришиш, бунда китоб ва мутолаанинг ўрни ва аҳамияти муҳим эканлигини сингдириш, бу борадаги ишларни ташкил этишда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, хусусан, мутолаа тарғиботини самарали ташкил этиш учун энг яхши адабиётлардан иборат кўчма кутубхоналар ташкил этиш, бундай кутубхоналарни республикамизнинг энг чекка туман ва қишлоқларигача етиб боришини таъминлаш учун тизимли ишлар олиб борилиши зарурлигини таъкидлаш билан

бирга ҳар ойнинг 17 - санаси “Китобхон оналар куни” деб эълон қилинди.

Дарҳақиқат, китоб - инсон умр йўлларини ёритувчи сўнмас нур, инсон ҳаётига мазмун бахш этувчи саодат манбаи, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамроҳ бўлгувчи содик дўст. Инсоннинг руҳий-маънавий камолотини таъминлашда китобчалик кучли қудратга эга ҳеч қандай teng келадиган восита йўқдир. Шу боисдан, азал-азалдан маърифат пешволари, аҳли донишлар бутун инсониятни китоб ўқишига, ундан илму одоб сирларини ўрганишга чорлаб келишган. Тарбиянинг барча мезон ва унсурлари, аввало, оилада шакллантирилганидек, китобхонлик маданиятини тарбиялашда ҳам оиланинг ўрни ниҳоятда каттадир. Доно ҳалқимизнинг “Куш уясида кўрганини қиласди”, деган нақадар мазмунли нақлига таянсан, бу моҳият янада муҳим, янада долзарб босқичга кўтарилганини англаймиз.

Шахснинг юксак маънавиятли, кенг дунёқарашли инсон сифатида камолга етишида, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама такомилга етишида оилавий муҳит, оилавий қадриятлар асосий восита ролини ўтайди.

Зеро, жадид бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг мана бу “Тараққий этган миллатларни оналари ўқитур экан, биз аввал оналаримизни ўқитуб, уларга тил ўргатмоғимиз керак, чунки бизнинг илм ва тилсизлигимиз улардантур” – деган пурмаъно ҳикматлари ҳар бир ўқиган инсоннинг хаёлига ҳалқимизнинг: “Отаси ўқиганнинг бири ўқиди, онаси ўқиганнинг бари ўқиди”, деган қанотли сўzlари келиши табиийдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, фарзанд тарбиясида оналарнинг битмас туганмас хиссаси борлиги, бош ролни асосан оналар ўйнаши исбот талаб қилмайдиган ҳаётидир. Чунки китобга бўлган меҳр-муҳабbat биринчи оиладан, ота-онадан бошланади. Болани маънавиятли, китобхон қилиб тарбиялаш ҳам биринчи галда оналарнинг зиммасидаги вазифалар сирасига киради. Улуғ шоирларимиз, алломаларимиз ва ҳар биримиз болаликларимизни эсга олганимизда ўз-ўзидан бежиз эмас бувиларимиз, оналаримиз айтиб берган эртаклар, ривоятлар, ўқиб берган китобларни кўнгилларимиз офтоб мисол ёришиб, тўлқинланиб, хаяжонланиб тилга оламиз.

Шу ўринда барча китобхонлар қалбидан жой олган атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг қуидаги қўйма сатрларини ёдингизга солмоқчиман:

“Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртак эшитгандим,  
Сўйлаб берарди бувим”...

Дарҳақиқат, оналаримиз, бувиларимиз, момоларимиз бугунги давр тили билан айтсақ, беғубор болалигимизнинг чинакам маънавият тарғиботчиси, ҳар бир оиланинг намунали китобхони бўлган экан. Бир-биридан қизиқ эртаклар, шеъру ҳикоялар, ҳалқ ҳикматларини, оиладаги муқаддас тушунчаларни, урфодатларни, каттага хурмат, кичикка иззат, “Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат” каби қадриятларни қулоғимизга қуишишган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Айниқса, китобхонлик, адабиёт, санъат ва спортга меҳр ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши лозим. Хабарингиз бор, кейинги пайтда жамиятимиз ҳаётида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш бўйича янги қарор ва дастурлар қабул қилдик. Уларни тўлиқ амалга оширишда биз биринчи навбатда сиз, хурматли хотин-қизларимизнинг фаоллигингиз, юксак интеллектуал салоҳиятингиз, билим ва тажрибангизга таянамиз”.

Кўпгина оилалар, ота-оналар на ўзлари китоб ўқишига қизиқишиди, на фарзандларини бу борада тўғри йўналтиришиди. Шунингдек, оилавий китобхонликда китоб танлови маданиятига ҳамма ҳам етарлича аҳамият қаратилавермайди. Бадиий асар танлашда фарзандининг ёш ва физиологик хусусиятлари, руҳий-маънавий дунёси, қизиқиш ва интилишлар кўламини назарда тутмас экан, ҳар қандай китобсевар ота-она бу борада ижобий ютуқларга эриша олмайди.

Демак, кўриниб турибдики, китоб ўқиши, мутолаа маданиятининг ҳам ўзига хос меъёр ва талаблари мавжуд. Шуларни эътиборга олган ҳолда, оилавий китобхонлик маданиятига эга бўлиш учун онахонларимизга, ёш оналаримизга ва қизларимизга қуидаги тавсияларга риоя қилишлари муҳим аҳамият касб этади:

- китоб мутолаасида ҳамиша фарзандларга ўrnak бўлиш;
- китоб танлаш маданиятига эга бўлиш;
- муайян вақтларда оила даврасида навбатма-навбат китоб ўқиб беришни йўлга қўйиш;
- хотирани кучайтириш аҳамиятига эга бўлгани боисидан фарзандларнинг шеър ёдлашига алоҳида аҳамият қаратиш, бир ойда камида 2 та шеър ёдлатишга эришиш;
- ҳар бир фарзанднинг ёш ва характер

хусусиятини, руҳий-маънавий дунёсини назарда тутган ҳолда совға учун китоблар тақдим қилиш;

- кичик ёшдаги болаларга кўпроқ ранг-баранг суратларга йўғрилган, катта-катта ҳарфларда ёзилган, унинг беғубор хаёлоти сарҳадларини акс эттира олган асарларни танлаш;

- ўрта ёшли китобхон фарзанд учун эса унга тенгдош қаҳрамонлар тақдири акс этган, ҳаётий, хаёлий-фантастик воқеалар тасвирланган, кўнгил кечинмалари жонлантирилган асарларни тавсия қилиш;

- катта ёшдаги мустақил, оила қурган фарзандлар билан ҳам тез-тез китоб мутолааси хусусида сұхбат ўтказиб, зарурий тавсиялар бериб туриш, бу жараён оиласий китобхонлик анъанасини муқаддас қадрият сифатида давом эттиришга ва мунтазам равишда анъанага айланишига замин яратади;

- ҳар бир китоб мутолааси учун ҳар кунлик ва ҳафталик миқдорларни белгилаш ва мунтазам назорат қилиб, ўқилган асарлар асосида сұхбат уюштириб бориш;

- ўқилган асар мазмун-моҳияти, қаҳрамонлар характер-хусусияти, ижодкор ёндашуви, олинган таассуротлар бўйича оиласида “Биз биргаликда ўқиймиз”, “Оиласий китобхонмиз” шиори остида давра сұхбати ташкил қилиб бориш;

- ўз вақтида ва талаб даражасида мутолаа қилган китобхон фарзандни алоҳида рағбатлантириш;

- бадиий адабиёт ўқишига етарлича қизиқиши билдирмаётган, топшириқларни ўз вақтида бажара олмаётган фарзанд билан алоҳида шуғулланиш, унда китобхонлик кўникмаларини ривожлантиришга эришиш;

- мамлакатимизнинг моддий-маънавий тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадиган юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли оила сифатида қадр топишига эришиш.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон ахолисининг, аёлларимизнинг, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш, мутолаа маданиятида даражасини юксалтириш, ҳалқни китобга ошно этиш мақсадида тизимли равища ташкилий-ҳуқуқий саъй-ҳаракатлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, маънавий баркамол китобхон авлод тарбиясида оила муҳим ва мустаҳзам пойdevордир. Шу боис жамиятда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштириш борасидаги ҳар қандай фаолиятда оила билан, оналар-хотин-қизлар билан ҳамоҳанг, ҳамфир иш юритиши кўзланган мақсадларга эришишга муносиб замин яратади. Ишонаманки, албатта бу йўлда барчамиз ўзаро тажриба алмashiб, ҳамкорлик, маслақдошлиқ билан ҳамжиҳатлиқдаги ишлар барча жабҳаларда фаол хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш борасидаги фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишинланган тантанали маросимдаги нутқи ([ngo.uz](#)). 09.03.2020 йил.
2. Турғун Файзиевнинг “Темурий маликалар”, А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2013 йил, б.8.
3. Хотин-қизлар учун улкан имкониятлар белгиланди - Халқ сўзи ([xs.uz](#)) 01.03.2022 йил.
4. «Оиласида бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради» - Президент - Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz ([gazeta.uz](#)). 07.03.2023 йил. 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 781-сон қарори, 14.12.2020 йил.
5. «Оиласида бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради» - Президент – Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz ([gazeta.uz](#)). 07.03.2023 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 14.12.2020 йилдаги 781-сон.
7. «Оиласида бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради» - Президент – Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz ([gazeta.uz](#)).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон
9. <https://president.uz/uz/pages/view/strategy>.
10. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Тил масаласи (1915) - [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz)

# ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЛМ-ФАН, КИТОБ МУТОЛААСИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ



Барчиной Ходжаева,  
Тошкент шаҳар Учтепа тумани  
Ахборот-кутубхона маркази директори

**Аннотация.** Мақолада Марказий Осиёда яшаб ижод қилган тарихий шахслар – мутафаккирлар, олимлар, шоиру адибларнинг илм-фан, китоб, маърифат ҳақида фикрлари ўрганилди. Уларнинг ижтимоий фалсафий аҳамияти очиб берилди.

**Таянч сўзлар:** тарих, аллома, илм, билим олиш, китоб, мутолаа, донолик, маданий ҳаёт, маърифий мерос, маърифат.

**Б**уюктарихий шахсларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда қолдирган излари, меъроси уларнинг аввало гуманистик моҳиятга эга фан ва китоб, маърифат ҳақидағи қарашалари ўз ифодасини топади. Қуръони каримдаги “Ўқи, ўқи ва ўқи” деган даъватда ана шу гуманистик моҳият мужассамидир. Шу билан бирга, китоб мутолаасининг, буюк тарихий шахсларнинг илм-фан ва маърифат ҳақидағи фикрларнинг аҳамияти генезиси узоқ ўтмишга, қадимги биткиларга бориб тақалашини таъкидлаш жоиз. Қадимги ҳинд халқининг “Маҳабхорат” ва “Рамаяна”, қадимги шарқнинг “Геомифологик” эпоси, Лао Цзи ва Конфуцийнинг ҳикматномалари, Будданинг “Дхамападда” тўплами, Зардушийнинг “Авесто” матнлари антик даврдан бизгача етиб келган дурдона асарлардир. Уларнинг китоб ҳолидаги нусхалари туфайли биз инсоният тарихига, ўтмиш маданиятига тааллуқли артефактлардан хабардормиз.

Ёзув маданиятининг шаклланиши билан илм-фандада инқилобий аҳамиятга эга ўзгаришлар

бошлиди. Уларнинг цивилизация тарихида тутган ўрни ҳақида кўплаб асарлар ёзилган, илмий тадқиқотлар ўтказилган. [1;2;3]. Аммо буюк тарихий шахсларнинг илм-фан, китоб мутолааси, маърифат ҳақидағи қарашлари яхлит мавзу, объект сифатида тадқиқ этилмаган. Биз уларнинг барчасини қамраб олишга интилмаймиз, ўзимизнинг алломаларимиз фикрларини келтириш, ўрганиш билан чекланамиз.

Ал-файласуф ат-туркий тахаллуси билан аталадиган Абу Наср Фаробий (879-950) инсоннинг ақлу идрокига, илм-фанни ўзлаштириш, яъни “ақлий қувватга” ишонган. Инсон деб ёзади файласуф, юксак камолатга эришув йўлида ҳаракат қилгандек, ақлий билимга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги баҳт-саодатга эришади. [4;36 б.]. Кўриниб турибдики, Фаробий инсон эришадиган баҳт-саодат “ақлий билим” дадир, деб ҳисоблайди.

Буюк аллома Абу Али Ибн Сино (850-1037) 300 дан ортиқ илмий асарлар ёзган, улардан 58 таси бевосита фалсафага, 20 таси тиббиётга, қолганлари бошқа илм соҳаларига тааллуқлидир. Ибн Сино саломи илмдадир, илмдандуру сўлу

соғ. Жон агар бир шиша бўлса, илм бир ёнувчи шам дейди. [4;42 б.]. Уларнинг геносиологик қарашлари, инсоннинг борлиқни билишига оид сифатлари махсус адабиётларда ёритилган. [5.]

Инсоннинг билим-қуввати ва ақлий имкониятларини улуғлаган Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутатғу билик” (“Қутга, яъни баҳт-саодатга эриштурувчи билим”) асари мавзумизга жуда кўп фикрларни ўзига жо этган, жамлаган “Ўқув қут беради, билим шараф-шон, Шу икков түфайли улуғдир инсон” “Хазрати одам - Билим, ақлу идрок сабаб мухтарам” “Ўқув қайдা бўлса, улуғлик бўлар. Билим қайдা бўлса, буюклиқ олар” .[6;34;120; 147 б.]. Юсуф Хос Ҳожиб китоб ўқиб билим ортишишга эришиши инсоннинг баҳтли яшашини билимдадир, деб билади. “Ўз болам ўрганинг китоб тенгсиздир, Тенгсиз билим билан чўлуг денгиздир”. [6;48 б.].

Буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний (973-1051.)нинг бутунумри, ижодий изланишлари китоб мутолаасининг бетакрор ва ибратли намунасиdir. У бошқа жойга кўчса аввало йиққан китобларини ўзи билан олиб кетган. Унинг “Қадимий халқлардан ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минерология” 153 та асарлар ёзган, шоир, файласуф, олим, тарихчи, энциклопедик олимдир. Аллома дейди: “Илм кўпдир. Улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиниши илмларни ва илм аҳилларини хурматлаши ўша иқболнинг белгисидир.”. [4;54 б.]. Беруний инсон ақлу идроки, бошқаларга меҳрибонлик, ҳурмат, самимият кўрсатилиши, тинмай билим излаши билан ҳайвонлардан ажralиб туришини таъкидлайди. Ҳукмдорларнинг илм аҳлини, китобни шарафлашга, қўллаб-қувватлашга ундаиди. Аллома ўзидан китоблар қолишини, ҳар бир асари билим асари бўлишини билган ва ўз илмидан фаҳранган.

Ахмад Югнаки ўлкамизда яшаган ва ижод қилган йирик донишмандир. У келгуси авлодларга қолдириладиган мерос, бойлик китоб, деб билади. Китоб инсон номини мангу эсадлик қиласи, уни авлодлар ўқиб, “хаққига дуо қиласи”, унда “ажойиб тансиқ сўзлар” бўлади. Китоб ўқийдиган, илмли кишини ўзига яқин тутишига ундаиди. “Билимли кишининг ўзи ўлса ҳам номи ўлмайди”, дейди донишманд. [4;56; 57 б.].

Ўлкамиз тарихи ва маданиятининг билимдони Махмуд Қашқарийнинг “Девону луғати турк” асари бебаҳо манбаадир. Дедактик моҳиятга эга шеърлар, мақолалар, ҳикоялар ёшлиарни билим, тарбия, маърифат олишга даъват этади. Илму исташ билан инсон билимсизликдан қутқаради ўзини, дейди донишманд. [4;59; 60 б.].

Буюк бобоколонимиз Алишер Навоий (1441-1501) нинг бадиий -маърифий мероси, ҳикматлари ва шеърлари жаҳон тафаккуридан жой олган. “Илмда бир одам соҳибқирон бўлгунча ўттиз йилдан бир давр келиши керак. Унинг илм маскани, илм даргоҳи, унинг бир қатра вужуди илм дарёсига айланади”, дейди мутафаккир. “Ҳайратул абров” асарида “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, зода мурқуду отани пир бил, каби ҳикматлари мақолларга айланди. [7 б.]. Бир ҳикматида Алишер Навоий дейди: “Ҳақ йўлида кимсага бир ҳарф ўргатди ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила”. [7; 4 б.]. Бу билан Навоий устозлиқ ёки билимга ўргатиш заҳматини оғир эканини таъкидлайди.

Ўлкамизда яшаб, ижод этган, жаҳон тафаккурига бетакрор ҳисса қўшган мутафаккирлар, олиму фузалолар, шоир, адиб, арбоблар етарличадир. Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдеворини барпо этиш улар меросини чуқур ўрганишни замонавий илмий билимлар нуқтаи назаридан тадқиқ этишини тақозо этади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимасов В.А., Ходжаева Б.Х. Ижтимоий-маънавий тараққиётда тарихий шахсларнинг роли. Монография. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2016.
2. Бердиев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества.-М.: Правда, 1989.
3. Алимасов В.А. Конфуцийлик ва шарқ давлатчилиги.-Т.:Фалсафа ва хуқуқ институти. нашр.2006.
4. Фаробий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр.1993. -36 б. 42 б. 57 б. 59 б. 60 б.
5. Шодмонов А. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши.-Тошкент: -“Ўзбекистон”, нашр. 2001,-124 б.
6. Тўхлиев В. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутатғу билик. Чўлпон номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2009.- 34 б. 120 б. 147 б. 48.
7. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар, - Т.: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1985.-4 б.



# О СЛАВНЫЙ НАШ ПУТЬ, ТЫ ШИРОК И ВЕЛИК...

**Сирожиддин Сайид,**  
председатель Союза писателей Узбекистана

## ЧАГОНИЁН

Кумган,  
Кумган,  
Полный песком кумган.  
Сыплются глиняными черепками векà.  
Здесь не встретится ни один курган.  
Курган,  
Курган,  
Полный песком курган.  
Впитываясь, как вода,  
уходит в песок строка:  
«Кто знает край, что рожденьем мне дан?..»

\*\*\*

Не поглоти дорогу, склон!  
Пусть одинокий седой старик  
Ходит по этой дороге.  
Пусть грузовик одинокий  
По этой дороге пылит!

В жаркие дни саратана  
На берегу Кук-куля стоял я,  
Говоря «Прощай, детство!»  
Я плялся на тот склон,  
А берег вдруг обвалился,  
И я окунулся в озеро.

Потом,  
Как отглаженные брюки,  
Гладко лоснились года.  
Несбывшиеся желанья, как девушки,  
Мне клали головки на грудь.

Потом уже высохло озеро,  
Слышавшее мое «прощай!»,  
Вымерли рыбы.  
И я сказал: «Лишь однажды  
Дается нам эта жизнь».

Много влажной тоски пронеслось надо мной,  
Тоски и дождливой, и снежной...

Теперь уже высохло озеро.  
И старца седого нет.  
Но все же храны ту дорогу, склон!  
Пусть грузовик одинокий  
Пылит по этой дороге.  
Не поглоти!  
Пусть пылью встает моя вечная боль...

## ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ

Идут караваны, идут и идут,  
Приходят, проходят бесчисленные тут,  
То древний Великий наш шелковый путь –  
Здесь радость мечты и надежды нас ждет.

И вот уж столетие двадцать одно  
Упорство хранить нам в пути суждено.  
Тот путь как дворец, что воздвигнут давно:  
То в блеске стоит, то в руинах встает.

Как мир беспределен, велик и широк:  
Обширен Китай и огромен Восток,  
Теперь человек осознать это смог,  
И гордость его до небес восстает.

К бескрайним просторам небес восходя,  
К бессмертной свободе дорогу найдя,  
Созвездья, свои имена обретя  
Из уст Улугбека,  
живят небосвод.

Европа и Азия здесь заодно:  
Одна им луна дана, солнце одно,  
Идти им надежной дорогой дано,  
Где мира душа справедливость найдет.

О ты, человечество, дом мировой  
Повсюду охвачен огнем и водой.  
Но путь просвещенья и совести твой  
Тебя защитит как надежный оплот.

Мы стали давно этот мир постигать,  
Мы падали и поднимались опять,  
Но начали спины свои выпрямлять,  
Пришло наше время, оно нас зовет.

О солнце, что в мир наш с востока идет,  
В Сурхане оно свойnochлег обретет.  
Теперь и японская речь здесь живет:  
Нет-нет и в курганах Термеза мелькнет.

О славный наш путь, ты широк и велик,  
Здесь тысяча наций, но общий язык.  
Как дань наших предков, тот путь  
напрямик  
Потомкам идти направленье дает.

В Шанхае начавшийся ранний рассвет  
(Чему удивляться?) продолжит Ташкент,  
Шести султанатам надежнее нет  
Пути, что к добру и единству ведет.

О мир, тебе стоит на путь тот взглянуть,  
Здесь золотом могут стоянки блеснуть.  
До вечности будет служить этот путь,  
И пусть караваны идут и идут.

## СТРУНЫ ТОСКИ (УЧИТЕЛЯМ)

Когда я о школьных годах вспоминаю,  
Я вижу, как вы и тихи, и скромны,  
Но слово велико «Родина», знаю,  
В душе начертали мне именно вы.

Увидевши утром небес золоченье,  
Рассветы тех лет вспоминаю опять  
И самое светлое в жизни мгновенье –  
Когда слово «Мама» я смог написать.

Разъехались мы – все заданья, опросы  
Прошли, как то время, те ночи и дни.  
Остались нам вслед оброненные слезы,  
Как звезды над школьною крышей они.

Чтоб ваша забота была мной воспета  
И каждый ваш час, полный тяжких трудов,  
Нужны сорок тысяч источников света,  
Нужны сорок весен и сорок годов.

К добру и наукам вы путь проложили,  
И вся детвора вам родимой была,  
С тетрадями, книгами жизнь вы прожили,  
И вся ваша жизнь на уроках прошла.

Мне хочется вновь возвратиться в те утра.  
Когда очертанья тех лет вижу я,  
И струнам тоски сердце внемлет понуро,  
Мои педагоги и учителя.

Сегодня вас новое ждет поколенье,  
Глаза ваши – светоч добра и любви.  
Так пусть не кончается ваше горенье,  
Великие, скромные люди земли!

Перевод Николая Ильина



## ОЛАМ ГЎЗАЛ ЭРУР СИЗ БИЛАН АСЛИ...

Маҳмудхон Тоиров,

Шоир, публицист, Ўзбекистон  
Журналистлари уюшмаси аъзоси

### ШАРҚ АЁЛИГА ЭҲТИРОМ

Шарқдан чиқаверар офтоб ҳамиша,  
Шарқ аёли гўзал, чехраси нурдай.

Малоҳат, фасоҳат, зеҳн бобида,  
Нафосат беллашар устози зўрдай.

Садоқат эҳроми, севги саройи  
Сизга ҳайкал атаб яна Тожмаҳал қурай.

Асрлар эъзозли, каломи тоза  
Сиз зебо малакни қайлардан сўрай?

Тоғда наъматакка туғишган дўстим,  
Даштда лолаларга сингилсиз бирдай.

Исмингиз равшан-у, жисмингиз чечак,  
Ер юзи жаннатида сиз асли хурдай.

Сизни севмоқ учун дунёга келдим,  
Буйруғингиз айтинг, пойингиз ўпай.

Озод Шарқ офтоби сиз сабаб илиқ,  
Фаришта қалб турса ёнимда сиздай!

Муслима, садоқат ганжисиз, доно,  
Фозила, шоира, ҳар сўзи дурдай.

### ОНА

Офтобдек ёқар,  
Мехрли боқар  
Она кўзлари.  
Ипакдек майин,  
Юмшар йил сайин  
Она сўзлари.  
Бўлса ҳам қадоқ,  
Пахтадек юмшоқ  
Она қўллари.  
Ундиради гул,  
Райхону сунбул  
Она йўллари.  
Дунёдек кенгдир,  
Қўёшга тенгдир  
Она юраги.  
Зебдир оламга,  
Ҳамроҳ одамга  
Она тилаги.

### ИНЖУ-ДУР

Оlam гўзал эрур сиз билан асли,  
Куйлар майинлиги сиздандир, Она.  
Қучоғини очса менга баҳт фасли,  
Унинг тайинлиги сиздандир яна.

Чеҳрангиз порлайди ёрқин нур бўлиб,  
Этдингиз умримнинг онин чароғон.  
Яшайсиз қалбимда инжу-дур бўлиб,  
Бу дурни асрагум доим, Онажон!



## ПАХТАЗОРДА

Ошиқ чорлар ёрини,  
Күшиқ қилиб зорини,  
Тўкиб дилда борини  
Оқ пахта очилганда.  
Ушалади армонлар,  
Бўй чўзади хирмонлар,  
Тиним билмас дехқонлар  
Оқ пахта очилганда.  
Чаноқларда нур тошар,  
Дилларда ғурур тошар,  
Кўрган кўз баҳтдан яшнар  
Оқ пахта очилганда.  
Ризққа мўлдир Она Ер,  
Пешонангни ювсин тер,  
Халқим ахир раҳмат дер  
Оқ пахта очилганда.

## САБР

Яна ўтди бир қиши, яна бир баҳор,  
Ойни ой синади, кунларни кунлар.  
Қанча сувлар оқиб қуйлади анҳор,  
Ўтди қанча соҳир заҳматли тунлар.

Умрга умр қўшди шу давр,  
Тажриба орттириди ҳар бир дақиқа.  
Бизга етишса-чи, озгина сабр,  
Ўтаркан ҳар мушкул, тўю ақиқа...

## СУЙГАНИМГА

Чанқоғим босгувчи булоғим сенсан,  
Йўлларим ёритар чироғим сенсан.  
Уммонда елканим, осмонда ойим,  
Энг ёрқин юлдузим, қароғим сенсан.

Қалбим нигори-ю, кўнглимга баҳор,  
Куйларим садоси, сен лола узор.  
Демагил: Дунёда кўп санамлар бор,  
Гўзаллар ичидагулёрим сенсан.

Қишининг чилласида баҳор улашган,  
Саратонда сўнмас меҳри қуёшсан.  
Дил деган бўстонда туйғум талашган  
Қалб зийнати — мангу қарорим сенсан.

Муҳаббат бобида ягонам ўзинг,  
Наҳорим, ашъорим, дилхонам ўзинг,  
Жонимнинг риштаси жононам ўзинг,  
Кўнгил гулшан бўлса, гулёрим сенсан.

# БУЮК СОҲИБҚИРОН СОЛНОМАСИ

Маҳмуд Абдулҳақ,

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси

**Я**қинда қўлимга Ўзбекистон халқ ёзувчisi, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг "Амир Темур солномаси" номли мўжазигина китоби тушаб қолди. Менуни қўлимдан қўймай ўқиб чиқар эканман, ундаги маълумотларни ўқиб ҳайратландим.

Сабаби қарийб 20 йил давомида ёзилган "Улуғ салтанат" номли 4 томлик роман-эпопеяниң муаллифи бўлган адабимиз Муҳаммад Али ушбу нашрда улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ҳаётини моҳирлик билан ушбу муҳтасар солномага сифдира олганидир.

Асар 20 бобдан иборат бўлиб ўқувчи унда буюк аждодимизга оид кўплаб саволларга жавоб топа олади. Жумладан, китобда Амир Темур қачон ва қаерда туғилган?, "Соҳибқирон" сўзининг маъноси, Амир Темур дипломатияси, Соҳибқироннинг пирлари, Амир Темурнинг вафот этиши ва ҳоказолар бўйича қисқа ва лўнда маълумотлар берилганлиги китобхонни ўзига жсалб қиласди.

Маълум бўлишича Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди "Амир Темур ва Темурийлар даври сиймолари" сериясида китоблар чиқаришни давом эттироқда. Юқорида номи келтирилган китобдан сўнг Турғун Файзиев муаллифлигида яқинда Темурийлардан бири — Султон Ҳусайн Мирзо ҳаёти ҳақида рисола нашрдан чиқканлиги қувончли воқеадир. Шоҳ, шоир, адабиётимиз тарихидаги энг улуғ сиймо Алишер Навоийнинг дўстси Султон Ҳусайн Мирзонинг давлат тенасига келиши, ҳарбий юришлари, умуман амалга оширган ишлари оммабон тарзда ёритилган китобча тарихимиз билан қизиқувчилар учун муносаб совға бўлиши шубҳасиз.

Куида "Амир Темур солномаси" номли китобдан ўрин олган боблардан бирини эътиборингизга ҳавола қилар эканмиз лойиҳа муаллифи, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Муҳаммад Алига мазкур савобли ишларида янгидан янги зафарлар тилаб қоламиз.

## АМИР ТЕМУР — ИЛМ-ФАН ҲОМИЙСИ

Амир Темурнинг илм-фан ҳомийси сифатидаги хизматлари таҳсинга сазовордир. Қайси мамлакатдаки хотиржамлик, тинчлик, дориломонлик бўлса, гул экиш, экин тикиш, китоб ёзиш, ашула айтиш, боғлар барпо этиш имкони туғилади, бир сўз билан айтганда, инсонлар қалбига маънавият чечаклари япроқ ёзади. Ва табиийки, мамлакатда илм-фаннынг ривожланиши учун ана шундай хотиржамлик ва моддий таъминланганлик бўлиши керак. Амир Темурнинг Турон салтанатида билимга эътибор, маънавиятнинг ривожланиши, камол топишига қулай шароитлар, улкан имкониятлар яратиб берди.

Амир Темур, кўп машҳур муаррихлар таъкидлаганларидек, илмнинг қадрига етадиган, уни ривожлантиришга астойдил

бел боғлаган, дунёning энг етук олимлари, тарихчилари билан bemalol суҳбатлаша оладиган зукко ва донишманд ҳукумдор эди. Илм-фангага қизиқиш Амир Темурнинг хонадонидан бошланган эди, десак тўғрироқ бўлади. Соҳибқирон хонадонида фарзандлар (شاҳзодалар, маликалар)га илм-фаннынг турли соҳаларидан кўп сабоқлар берилар, мадрасаларда таҳсил олишлар давом эттириларди. Масалан, Мироншоҳ Мирзо учун маҳсус Ибн ал-Асирнинг "Ал-комил фит-тарих" (Муқаммал тарих) китоби таржима қилиб берилган. Соҳибқирон ҳаракатлари туфайли, унинг авлодлари ичida Муҳаммад Султон, Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон, Бойсунқур Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Кўчкунчихон, Комрон Мирзо,

Гулбаданбегим, Зебуннисо каби шоирлар, олимлар, муаррихлар, хаттотлар, ҳомийлар, маънавият ва маърифат жонкуярлари бор бўлиб, уларнинг барчаси илм-фан, маънавиятнинг қадрига етадиган ажойиб инсонлар сифатида камолга етдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан маданиятимиз юксак даражаларга эришди.

Аввало, дунёда ҳеч бир ҳукмдор ўз набирасининг жаҳоншумул аллома бўлиб етишгани билан Амир Темурга тенглаша олмайди! Бу мисли кўрилмаган ҳодиса! Ифтихоримиз боиси — Соҳибқирон набираси, Амир Темур ва Сароймулхонимлар кўлида, ардоғида ўсиб, саройда тарбия топиб, камолга етган Улуғбек Мирзо! Унинг астрономия мактаби айнан Самарқандда яратилди. Замонанинг илғор расадхонаси барпо этилди. 1018 та юлдуз таърифини ўз ичига олган “Зижи жадиди Кўрагоний” жадвали жаҳон фанига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Улуғбек Мирзонинг “Тўрт улус тарихи” номли асари эса халқимиз тарихини англаб етишда катта аҳамиятга эга.

Соҳибқирон Амир Темур даври тарихини тўлиқ ва ишонарли ёритиб берган Шарафиддин Али Яздийнинг фундаментал “Зафарнома” (1425) асари Соҳибқироннинг набираси Шероз

ҳокими, шоир ва хаттот Иброҳим Султоннинг раҳбарлиги, фидойилиги ва ҳомийлиги остида дунёга келди. 1519 йилда Улуғбек Мирзонинг набираси Кўчкунчихон топшириғи билан мазкур “Зафарнома” ва Рашидиддиннинг “Жоме ут-таворих” асарлари ўзбек тилига таржима қилинди.

Қолаверса, жаҳон адабиётининг буюк намояндадаридан ҳисобланган Алишер Навоийнинг ижоди, Лутфий ва Султон Ҳусайнлар шеърияти, алломалар Қозизода Румий ва Али Қушчи асарлари, Камолиддин Беҳзоднинг дурдона миниатюра расмлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо “Бобурнома”си, гўзал шеърияти, илмий асарлари, муаррихлар Фиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Ҳафизи Абрў, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Фасих Ҳавоғий, Ҳондамирларнинг солномалари Темурийлар даврининг маҳсулидир.


**Муҳаммад Али**  
**“Амир Темур солномаси”,**  
**10-боб.**



# БҮЮКЛИГИ АЙБ БЎЛГАН ЗАБАРДАСТ ОЛИМ

Носир Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлари  
уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийи



Кўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адабиylар, шифокорлар, ўқитувчилар қатагон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат қўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби - буюк бўлгани.

*Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Суратда: профессор Ҳамид Сулаймонов*

Яқинда “Шаҳидлар хотираси” майдонининг марказида жойлашган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида тадбирда иштирок этдик. Академик А.Х. Саидовнинг мазмунли маъruzасидан кейин, музейни айланар эканмиз, бизни эътиборни улкан навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов ва кишининг отаси - биринчи ўзбек кинорежиссёри Сулаймонхўжа Хўжаевга бағишиланган стендга кўзимиз тушди...

Маълумки, ўз вақтида собиқ совет раҳбариятига зиёлилар кўп ташвиш келтиради. Зоро, бу шундай куч эди, у жамиятга мавжуд тузумни ўзгартириш лозимлиги эканлигини кўрсата олар эди. Шунинг учун ҳокимият тепасидагилар, иккинчи жаҳон уруши вақтида зиёлилар устидан суст олиб борилган мафкуравий ва сиёсий назоратни, кучайтиришга қарор қилдилар. 1946 йилнинг бошидан кенг миқёсда мафкуравий ҳужум бошланди. У гўёки капиталистик турмуш тарзини мақтаб, Фарб олдида таъзим қилиб турадиган шахсларга қаратилган эди.



Коммунистик мафкура қолипларига тўғри келмайдиган ҳар қандай тафаккур, фикр

юритиши, совет фуқаросига ёт, бузғунчи, буржуа мафқураси ҳисобланар эди.



Урушдан кейин, Ўзбекистонда, собиқ иттифоқ бошқа республикалари дагидек, қатағон янги түлқини бошланди. Агар 30-йилларда партия, давлат, хўжалик ва ҳарбий қадрлар қатағонга учраган бўлса, 40-50-йиллар қатағони маданият ва илм-фан арбобларига қарши қаратилди.

Мумтоз ва миллий мусиқа, мақомларни кенг тарғиб қилиш тақиқланди. Матбуотда миллатчи, космополит деб аталадиганларга қарши кенг кураш авж олди...

Ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати: “Тоталитар тузум вақтида бизнинг минглаб бегуноҳ ватандошларимиз қатағонга учраган эдилар. 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг киши шафқатсизларча қатағон қилинган, 13 минг киши эса отиб ташланган эди. Кўплаб оиласалар хонавайрон бўлди, болалар эса етим бўлиб қолди.”, – деб қайд этган эди.

Шуларни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев тегишли мутасаддиларга 100 минг кишининг ҳар бири бўйича тадқиқот ўтказиш, уларнинг қариндошлари билан учрашиб, тарихини аниқлаш, фаолиятлари бўйича китоблар чоп этиш, маҳалла ва мактабларга номларини бериб, хотираларини агадийлаштириш тўғрисида топшириқ берди.

Бу борада ижодий ходимлар, олимлар, тегишли илмий-тадқиқот муассасалари, “Қатағон курбонлари хотира” музейи ва бошқалар катта иш олиб бормоқдалар...

Шуни қайд этиш лозимки, Ҳамид Сулаймоновнинготаси-таникликинорежиссёр Сулаймон Хўжаев ўтган аср 30-йиллардаги қатағонга учраб, миллатчи сифатида ҳалок бўлди. Унинг ўғли Ҳамид Сулаймонов эса қатағонни иккинчи тўлқинига учраб, фақат

1955 йилда озодликка чиқди. Ота ҳам, ўғил ҳам шахсга сифиниш тўлиқ фош этилганидан сўнг оқландилар. Шундан сўнг Ҳамид Сулаймонов умрини охиригача ўзбек ҳалқининг гениал шоири Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиш, унинг қўлёзмаларини мамлакатимиз ва ҳорижда мавжуд бўлганларини иложи борича асл нусхаси, бўлмаса фотонусхасини олиб келиш билан шуғулланди...

Бизнинг отамиз – Абдулҳақ Тоиров атоқли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов билан яқин дўст бўлганлар... Маълумки, ўзининг қаҳрамонона ҳаёти билан Хонободни оламга танитган онахон Зулфия аяни барча билади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили 9-май Хотира ва Қадрлаш кунидаги нутқида Зулфия Зокировнинг матонатига, сабру бардошига юксак баҳо бериб жумладан бундай дегандилар: “Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрткелини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади. Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек ҳалқининг ҳақиқий жасорати ва матонати! Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг енгилмас куч-қудрати! Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!”...

Отамиз, оёқларини юқ машинаси уриб кетганлиги сабабли, иккинчи жаҳон урушида қатнашмаганлар ва шу йиллар ҳозирги Зангига туманида жойлашган шу табаррук Хонобод қишлоғидаги Максим Горький номли жамоа ҳўжалигига раис бўлиб ишлаганлар.

Кунлардан бир кун, Ҳамид ака отамизни олдига келиб, картошка экиш учун ер ажратиб беришни илтимос қиласадилар. Ер олиб, оила аъзолари билан ўзлари шу ерда меҳнат қиласадилар ва ниҳоятда баракали ҳосил оладилар. Биз билан самимий сұхбат қурганда, ўша йилларни эслаб, домла : “Мана шундай картошка” ҳосил берган эди”, – деб олдилари даги чойнакни кўрсатар эдилар...

Мен ўтган аср 60-йилларнинг бошида Ўзбекистон Фанлар академиясининг нашриётида ишлар ва домла билан учрашиб турар эдим. 1961 йилда Ҳамид Сулаймонович Алишер Навоийнинг тўрт жилдан иборат асарлар тўпламини чоп эттириди ва олиб борган ишлари асосида докторлик диссертациясини ёқлади. Биз – у пайтда ёш олимлар бўлган Ҳайдарали Узоқов ва Насимиддин Тоиров билан

бирга “Совет мактаби” журналида бу ҳақда “Етук олим” сарлавҳаси билан мақола чиқардик. Ҳимоядан кейин Ҳамид Сулаймоновични улуғ олим, Академиянинг президенти Ҳабиб Абдуллаев қизғин ва самимий табриклади.

Професор Ҳамид Сулаймоновични, чорак аср Ўзбекистонга раҳбарлик қилган, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист Шароф Рашидович Рашидов ниҳоятда ҳурмат қиласи эди. Академиянинг мажлисларидан бирида Шароф Рашидов собиқ иттифоқ ҳукумати раисининг ўринбосари, фан ва техника комитетининг раиси академик В. А. Кириллин билан бирга иштирок этдилар. Шунда Шароф Рашидович Владимир Алексеевич Кириллинга қараб: “Залда кўплаб истеъоддли, тажрибали, катта олим ва илм-фан ташкилотчилари ўтириби. Шуларни ичida профессор Ҳамид Сулаймонович Сулаймонов ҳам бор. Бу шундай олимки, на ўзи тинч ўтиради, на бизни тинч қўяди: доим изланишда, ташабbus кетидан ташабbus кўрсатаверади. Қани энди ҳамма олимларимиз ҳам шундай бўлишса”, – деб фаҳрланиб айтдилар. Мажлисдан кейин барча йиғилганлар Ҳамид Сулаймоновични қучоқлаб табриклашади. Зоро, ўша пайтларда Шароф Рашидовичнинг бундай олқиши ҳар қандай мукофотдан юқори тураг эди...

Яқинда атоқли давлат вожамоат арбоби, академик Оқил Умурзоқовиch Салимов биз билан бўлган суҳбатда, Ҳ.С.Сулаймоновни эслаб шундай дедилар: “Бир кун Ҳамид Сулаймонович қабулимга кирдилар. Ҳиндистонга ижодий сафарга бориш учун ёрдам сўрадилар. Дарров тегишли топшириқ бердим. У киши қаерга бормасалар янги-янги ўзбек халқининг адабиёти, санъати, маданиятига тегишли ашёлар кўтариб келардилар. Шуни қайд этиш керакки у кишининг қўллари ҳақиқий меҳнаткаш қўллар эди”. Дарҳақиқат, ўша вақтда олимлар ичida: “Професор Ҳамид Сулаймонов чет элларга бориб, Ўзбекистонни

Ватанига қайтариб олиб келяпти”, – деган ҳазил юрарди...

Атоқли таржимон ва киносценарийчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қодир Мирмуҳамедов умрини сўнги йилларини қизлари Раънохон ва набиралар билан Қибрайдаги ҳовлиларида ўтказдилар. Бақт-вақти билан у киши билан суҳбатлашиб турардик. Суҳбатларда Ҳамид Сулаймоновични ниҳоятда катта эҳтиром ва самимийлик билан эслар эдилар. Раҳматли Қодир ота домлани ўз эсадаликларида шундай хотирлайдилар:

“Ҳамид Сулаймонов. Бу улуғ сиймо институтимизда (Тошкент шаҳридаги Белинский номидаги кечки педагогика институти) ҳам илмий мудир, ҳам антик дунё адабиётидан дарс берар эди. У ниҳоятда маданиятли инсон ва буюк олим эди. Бу оқил ва одил одам менинг кучимга ишониб, 4-курсда ўтиладиган фанлар бўйича экстерн усулида имтиҳон топшириб, 5-курсга сакраб ўтишимга ижозат берганди. Бу олижаноб инсон яна, институтни имтиёзли диплом билан битирганимдан сўнг, мени Москвага, аспирантурага ҳам йўллаган эди. Лекин афсуски, уйда адам менинг Москвага, ўқишига боришимга қаршилик қилди. “Олти йил урушда бўлдинг, – дедилар, – энди яна уч йил Москвада ўқисанг, бизларнинг аҳволимиз нима кечади?” Хуллас, домланинг олдига бориб, Москвага ўқишига боришига имкониятим йўқлигини айтдим. Ҳамид aka мендан сал ранжигандай бўлди. Ўрнимга мен билан институтни битирган Ахбор Аброровни юбордилар. Ахбор аспирантурани битириб келиб, фан номзоди, кейинроқ фан доктори бўлди (Худо раҳмат қилган бўлсин уни).

Яхшиям Москвага ўқишига бормаган эканман. Чунки мен шу йили кеч кузда жуда оғир дардга чалиниб ўлиб кетишимга бир баҳя қолди. Бу дардга Москвадалигимда йўлиққанимда ҳолим нима кечарди?..

Шу йили матбуотда “космополит”,

“космополитизм” деган сўзлар кўп тилга олина бошлади. Ҳурматли домламиз Ҳамид Сулаймонов, институтимизда давлат имтиҳонларн бошланиш арафасида барча талабаларни йифиб, космополитизм мавзууда катта маъруза қилдива маърузасининг охирида талабаларга юзланиб: “Башарти мен сизларга чет эл адабиётидан сабоқ бераётганимда бирон чет эл халқи турмуш тарзини мақтаб гапирган, бирон чет эл адабиёти ҳақида кўтаринки руҳ билан сўзлаган бўлсам, мени кечиринглар!” – деди.

Турган гапки, домлани шундай дейишга мажбур қилганлар! Эҳ, замон!

Давлат имтиҳонлари тугагандан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, Ҳамид Сулаймоновнинг халқ душмани сифатида 25 йилга қамалгани матбуотда хабар қилинди. Орадан бир неча ой ўтгач, “Правда востока” газетасида ҳурматли домламиз Ҳамид Сулаймоновнинг муҳтарама рафиқаси Фозила Сулаймонованинг ўз эри билан никоҳдан ўчаётгани эълон қилинди.

Ҳа, болаларим, у пайтда шунаقا қонун бор эди. Эридан ажрамоқчи бўлган хотин, ё хотинидан ажрамоқчи бўлган эр пул тўлаб матбуотда бу ниятини ошкор қиласди – ҳамма таниш-билишлар олдида шарманда бўлиш учун. Бундай “шармандалик” ҳали менинг ҳам бошимга тушади...

Фозила опага қайтайлик. Бу олижаноб аёл университетда муаллима эди. Эшишишмча, бу дили пок аёл олдига: “Ё халқ душмани эрингиздан ажрашасиз, ё бўлмаса, ишдан ҳайдалиб партиядан ўчириласиз!” – деб шарт қўйишган. Опа, ноилож, эридан ажрашишгарози бўлган. Ахир агар ишсиз қолса, фарзандларини қандай қилиб боқар, тарбиялаб ўстиради?..

Хайрият, Сталин ўлганидан кейин, ноҳақ айб қўйилиб, халқ душмани сифатида ҳибсга олинган фан арбоблари, маданиятимиз ходимлари, адабиёт аҳли – ёзувчи ва шоирлар бирин-кетин қамоқдан озод қилина бошладилар.

Домламиз Ҳамид ака ҳам озодликка чиқиб қайтиб келди. Энди у Навоий қўлёзмалари устида жуда йирик иш олиб бора бошлади. У фан доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонларига сазовор бўлди...

Бир куни мен ёнимга Маннон Ганини олиб, устозим Миртемир акани кўргани Кўкрак қафаси жарроҳлиги шифононасига бордим. Миртемир ака (бу ажойиб инсон ҳақида мен сал кейинроқ ёзаман) ёнларидаги палатада Ҳамид

Сулаймонов ётганини айтдилар. Мен Маннонни Миртемир ака олдида қолдириб, ўзим эъзозли домлами кўргани палаталарига кирдим. Домланинг кайфияти чоғ эди. Қуюқ сўрашдик. У киши тузалиб қолганлигини, яна 2-3 кундан кейин уйга кетиши мумкинлигини айтди ва мендан ҳол-аҳвол сўради. Мен бадиий адабиёт, хусусан, чет эл мумтоз адабиёти намуналарини таржима қилиш билан машғул эканлигимни, шу кунлардаFaфур Ғулом нашриёти билан Ҳомернинг “Илиада” достонини таржима қилиш учун шартнома тузиб ишга киришганимни айтдим. Домла бу гапидан хурсанд бўлдилар ва “Илиада” ҳақида мен билмаган анча-мунча гапларни айтдилар. У кишининг айтишича, буюк алломамиз Абу Райҳон Беруний бу улуғ асарнинг бош қисмидан бир неча сатрини араб тилига таржима қилган экан.

Мен орадан 1-2 ҳафта ўтказиб, таржима қилганим Боккачонинг “Декамерон”ига дастхат ёзиб домлани кўргани уйига бордим.

Мени ҳовлида Фозила опа кутиб олди ва домланинг хузурига бошлаб киаркан:

“Кўп гапга тутманг – анча мазалари йўқ”, – деди.

Домлакитобимни мамнуният билан қабул қилди ва ётган ерида қўлимни худди забардаст пахлавондек маҳкам сиқиб табриклиди.

– Сал ўзимга келиб олай, – деди домла, – мана, Фозилахон икковимиз бу катта ишингиз ҳақида такриз ёзиб, “Совет Ўзбекистони”да бостирамиз. Таржимангиз менга ёқди.

– Таржима менга ҳам ёқди, – деди Фозила опа, – лекин Ҳамид Ғуломнинг икки бетли сўзбошиси жуда-жуда саёз.

Бу гапдан мен лавлагидек қизариб кетдим. Чунки ўша сўзбошини нашриёт директори Ҳамид Ғулом номидан ўзим ёзган эдим.

Мен, Фозила опанинг имо-ишораси билан, домланинг ёнида кўп ўтирамадим, у кишига саломатлик тилаб, тезроқ ҳайрлашдим. Бу – олижаноб устозимни сўнгги марта кўришим эди. Орадан кўп вақт ўтмай, домла қазо қилдилар”...

Бугунги кунда устоз Ҳамид Сулаймоновнинг юзлаб шогирдлари Янги Ўзбекистонни куриш ва III Ренессанс асосларини яратишда, бутун жаҳон ҳамжамияти ҳақли равишда эътироф этган мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлиги ва у киши билан бирга фаол иштирок этаётганлигини кўриб, барчамиз қувонамиз.

# ХАЛҚ ХИЗМАТИДА...

**Собир Қурбонов,**  
фаҳрий журналист, тарих фанлари номзоди, доцент

**М**амлакатимиз тоталитар тузумдан танлагач, ўзбек журналистикаси тарихида янги давр бошланди. ОАВ фаолияти учун кенг имкониятлар туғилиб, ижодкорлар сафи кенгайди. Журналистикамиз осмонида янги юлдузлар порлади. Улар орасида республика ёшлар етакчи газетаси ходими Сафар Остонов ҳам бор эди. У газета таҳририятидаги энг кичик ходим - корректор(мусахҳих)ликдан бошлаб, тинимсиз меҳнати, изланишлари ва устозлардан ўқиб урганиши туфайли етук журналист, матбуот ташкилотчисигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Сафар Остонов "Туркистон" таҳририятида ишлаган йилларда газетанинг адади ниҳоят даражада ошиб кетганди. Унинг ҳар бир сони қўлма-қўл бўлиб ўқиларди. Чунки газета саҳифаларида кўпчиликни қизиқтирган масалалар, теша тегмаган мавзуларга оид мақолалар босилар эди. Сафар Остонов, дейди таниқли ёзувчи ва журналист Хуршид Дўстмуҳаммад, ўша маълуму машҳур "туркистончилар"нинг олдинги сафидаги жангчи, жанговар журналистлардан эди.

Сафар Остоновнинг журналистик фаолиятида дастлаб спорт мавзуи катта ўрин эгаллади. Унинг Ўзбекистондажисмонийтарбия ва спортнинг аҳволи, уни ривожлантириш масалалари, ватандошларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалабалари каби кўплаб мавзуларда мақола ва рисолалари бисёр. Чунончи рапира (қиличнинг бир тури) бўйича минтақа ва уч марта жаҳон кубоги ғолиби Собир Рўзиев, жаҳон биринчилигини қўлга киритган боксчиларимиз Руфат Рисқиев, Эркин Шагаев, машҳур гимнастикачиларимиз Венера Зарипова ва Олим Отаконовлар ҳақидаги очеркларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга у бошқа, жумладан, ҳуқуқий, ижтимоий мавзулар билан ҳам қизиқди, уларга доир кўпчиликка манзур мақолалар ёзди. Унинг "Умид билан яшагин" ҳамда "Муҳаббат ва садоқат" деб номланган очерклари юртимиз жамоатчилигига катта қизиқиш ўйғотди.

Унда журналист ағфон урушида оёқлари ва бир қўлидан ажралган қоракўл(бухоро)лик ўзбек йигити - Нурёғдининг ўта мураккаб қисмати ва соғлигида уни севиб қолган Сулувхоннинг севган йигити урушдан мажруҳ бўлиб қайтганига қарамасдан ўз муҳаббатига содиқ қолиши, уларнинг оила қуриб фарзандли бўлганликлари, бу ўзгаришларда газетанинг чиқиши билан бир қаторда, давлат маҳаллий идоралари ва жамоат ташкилотларининг ҳам роли борлиги ҳақида ишонарли тарзда ҳикоя қилган эди. Диққатга сазовор жойи шундаки, муаллиф очерк қаҳрамонларининг тақдирни билан қизиқишини канда қилмади, уларнинг ҳол-аҳволидан шахсан хабардор бўлиб турди. Сафар Остонов бошлаган ишни охирига етказадиган, одамлар ҳақида ҳамиша ўйлайдиган инсон эди.



Собиқ шўро давлатининг емирилиши арафасида Марказнинг Ўзбекистонда "пахта иши" ва "ўзбеклар иши" байроғи остида навбатдаги қатағон уюштирилган даврларда Сафар Остонов ҳақ-ҳуқуқлари бузилган кишиларни ҳимоя қилиб чиқди. "топталган тақдирлар", "Очиқ хат", "Очиқ хатга ....очиқ жавоб", "Тергов тегирмони" "Прокурор Гайданов ва 700 минг АҚШ доллари", "Хуқуқларимизни ҳимоя этишингизни сўраймиз", "Хукмни

тарих чиқаради” каби суд очерклари ва мақолаларида у гдлянчилар ва гайдановлар томонидан марказ кўрсатмасига кўра минглаб юртдошларимизнинг фуқаролик хуқуқлари қўпол равишда қилинганлиги тўғрисида далиллар билан, қўрқмай бонг урди. У пайтларда ноҳақ зўравонликларни фош қилиш у ёғда турсин, суд очеркларини ёзишнинг ўзи журналистлар ва уларнинг оила аъзолари учун ўта хавфли бўлганини эсласак, Сафар Остоновнинг довюраклиги, хавф хатарларни писанд қўлмаганлигига қойил қоласан киши. Ҳа, у ҳақиқат учун, халқи учун ҳар қандай қийинчиликни енгишга тайёр бир ватанпарвар қаламкаш эди.

Сафар Остоновнинг бу фазилатлари айниқса унинг 2001-2022 йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош нашрлари “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталарига бош муҳаррирлик қилганида намоён бўлди. Эсимда бор айрим ўртоқлар бунгача ёшлар ва спорт газеталари ҳамда юқори давлат идорасида меҳнат қилган ижодкорнинг номдор сиёсий партия газетасига етакчилик қила олармикин деб, шубҳаланган эдилар. Аммо бу хавотирлар тезда тарқалиб кетди, зеро С.Остонов билмаганини ўқиб ўрганишга, мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари манфаатларини қўллаб-қувватловчи мазкур сиёсий партиянинг устави, дастури, қурултой ва пленумлари материалларини диққат билан кўриб чиқиб тегишли хулосалар чиқарди, партия марказий органлари тадбирларида қатнашиб, фаоллар, маҳаллий ташкилотлар етакчилари фикр мулоҳазаларини эшигти, хедепечиларнинг амалий ишлари билан жойларда танишиб чиқди, натижада сал вақт ўтиб, ЎзХДПнинг фаолиятини назарий ва амалий жиҳатлардан пухта эгаллаган сиёсий арбобга айланди. Бугина эмас. Сафар Остонов “Ўзбекистон овози”да мунтазам эълон қилинган қарорлар, дастурий ҳужжатлар, ахборот ва мақолалар орқали уларни тарғиб қилиш ҳамда амалга ошириш ишларига муносаб ҳисса қўшди. Газетанинг ЎзХДП дастурий ғоялари ва танлаган йўлидан

изчил бораётгани кенг жамоатчилик ва расмий доиралар томонидан эътироф этилди. Бу бош муҳаррирнинг катта муваффақияти эди.

Бунга ўз ўзидан эришилгани йўқ, тинимсиз меҳнат, изланиш ва ижодкорлар жамоасининг имкониятларидан тўғри фойдаланиш туфайли эришилди. “Голос Узбекистана” газетаси таҳририятида Сафар Остонов билан бир неча йил ишлаган тажрибали журналист Маҳмудхон Тоировнинг эсласича, “Сафар ака газеталар тайёр бўлиб, саҳифаланиб бўлмагунча уйга кетмас эдилар. Рус тилида чоп этиладиган мақолаларни ҳам ўзлари бирма бир, эринмасдан ўқиб чиқар эдилар”. Зиммасига юқлатилган хизмат вазифаларига масъулият билан ёндошиш Сафар Остоновда шунчалик кучли эдики, соғлиги ёмонлашиб, касалхонага тушган пайтларда ҳам газетада эълон қилиниши режалантирилган материаллар устида ишлашни давом этарди. Шу билан бирга кенг танилган газетани бенуқсон чиқариш фақат бош муҳаррирнинг иши эмаслигини яхши тушунган Сафар Остонов бу масъулиятли вазифани бажаришга бутун меҳнат жамоасини жалб этарди ва ўзи бошқаларга ўрнак кўрсатарди.

Худди шундай ёндошув Сафар Остоновнинг ўз оиласига муносабатига ҳам хос эди. Турмуш ўртоғи Жамилахоннинг айтишича, у “Фарзандлари, невараларига жуда меҳрибон эди, уларнинг тарбиясига, ўқишига эътибор қаратарди. Бўш вақтларида болаларнинг ўқишилари, орзу умидлари билан қизиқарди, улар билан турли мавзуларда суҳбатлашарди, баҳслашарди. Талабчан, кези келгандა қаттиқ қўл ҳам эди. Уларни ҳар қандай масалада қўллаб-қувватлар эди. Ҳар бирига маслаҳат берарди, тўғри йўл кўрсатарди”.

Бутун умрини ўз ўткир қалами, оташин сўзи билан халққа беминнат хизмат кўрсатишига баҳшида этган Сафар Остонов орамизда йўқ. Лекин унинг оила аъзолари, фарзандлари, неваралари, кўплаб ҳамкасб дўстлари ва шогирдлари бу пок вижданли инсоннинг муносаби ишларини давом этишларига аминмиз.

# ИЛМ-ФАНГА БАХШИДА УМР

**Махмудхон Тоиров,**  
Турон Фанлар Академияси академиги

**Шундай инсонлар борки, улар оламдан ўтганларидан кейин ҳам босиб ўтган умр йўллари, амалга оширган ишлари билан барчага ўрнак бўлиб қолаверадилар. Бу каби инсонлар сирасига мен ҳеч иккисиган масдан техника фанлар номзоди Қаюм ака ОДИЛОВНИ киритган бўлар эдим.**



**Қаюм Одилов миллиати бўйича ўзбек, 1922 йил 1 декабрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1940 йилда Тошкент шаҳридаги 6-сонли мактабнинг 10-синфини тамомлаганидан сўнг ТИИИМСХа (Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства) Гидромелиоратив факультетининг 1-курсига ўқишига кирган ва 1946 йилда уни тамомлаб муҳандис-гидротехник малакасига эга бўлган.**

Иш фаолиятининг 1-босқичи талабалик йилларга тўғри келади. 1943 йилдан Бекобод шаҳридаги Фарход ГЭС деривацион канали 2-курилиш участкасининг прораби лавозимида бошлаган. 1944 йилдан - Фарғона вилоятидаги Кува - Акбаробод - Қумариқ марказий коллектори қурилишининг прораби лавозимида меҳнат қилган.

Фаолиятининг 2-босқичи муҳандислик ишлаб чиқариш билан боғлиқ. 1946 йилдан 1949 йилгача - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Узсельэлектро" трести лойиҳалаш бюроси муҳандиси. Ушбу йиллар мобайнида у Наманган вилояти Поп тумани Ўйғур қишлоғидаги "Иттифоқ" жамоа хўжалиги,

Бухоро вилояти Фиждувон тумани Районобод қишлоғидаги "Социализм" жамоа хўжалиги, Сурхондарё вилояти Терmez тумани "Қизил Чегарачи" қишлоғидаги кичик ГЭСларнинг техник лойиҳаларини тузиш (ишлаб чиқиши) устида иш олиб борган. 1949 йилдан 1951 йилгача Қашқадарё суфориш тармоқлари бошқармаси бош муҳандиси лавозимида ишлади. Бир вақтнинг ўзида, ўзининг жорий ишини бажариш билан бирга Косон тумани хўжаликлари учун 25 м<sup>3</sup>/сек ҳажмдаги сувни ўтказиш учун Косон каналининг "8-март" бош қурилмаси ва Қашқадарё вилояти Бешкент тумани хўжаликлари учун 10 м<sup>3</sup>/сек ҳажмдаги сувни етказиб бериш учун "Фазли" каналининг "Гавхана" шалоласини, шунингдек, 1950 йилда Қашқадарёда рўй берган муз парчалари оқишидан сақлаш учун фавқулодда чора сифатида Қашқадарёга Косон каналидан авария трактини лойиҳалаш ишларини бажарган ва қурилиш ишларида қатнашган. 1951 йилдан 1953 йилгача Амударёдарёсидағи Бош Туркман канали Тахиаташ гидроузелини лойиҳалаш бўйича собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлиги гидропроекти Тошкент филиали муҳандиси лавозимида ишлаган ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Иншоотлар институти ҳузуридаги моделларда тадқиқот ишларини мувваффақиятли олиб борган.

З-босқич илмий-амалий фаолияти билан боғлиқ. 1953 йилдан 1959 йилгача у аспирантурада ўқиди ва бир вақтнинг ўзида ЎзССР ФА муҳбир аъзоси, т.ф.д., профессор М.С. Вызго раҳбарлиги остида САНИИРИ гидротехник лабораторияси кичик илмий ходими лавозимида ишлаган. 1954 йилда САОГИДЭП (Средне-Азиатское отделение гидроэнергопроекта) томондан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида Шайхонтохур ГЭСида тадқиқотлар олиб борган. Ушбу тадқиқотлар

натижасида буткул янги усул, яъни қудук ичида сув оқимини кучини самарали равиша пасайтиришга эришилди. Тўлиқ қурилиш даврида муаллифлик назорати остида пирслар ёрдамида оголовка сўндириш мосламаси тизими қўлланди. Шу тадқиқотлар натижасида ГЭСдан фойдаланишда тегишли ўзгартишлар киритилган. Шу йилнинг ўзида у Наманган 3-сонли ГЭСида ҳам САОГИДЭП (Средне-Азиатское отделение гидроэнергопроекта) томондан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида 20 м<sup>3</sup>/сек.сув оқишига имкон яратди. Модель тадқиқотлар натижасига кўра умуман янги самарали, сув оқимини сўндиришусули вужудга келди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра “Сув омборлардаги ва ГЭСлардаги сувлар оқимини шахта усулида сўндириш” мавзусида 1957 йилда фан номзоди диссертациясини муваффақиятли ёқлади. “Узгипроводхоз” лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган (муҳандис А.М.Туленов) қувурли регуляторларнинг, яъни қуий бъефдаги сув оқими энергиясини камайтиришни таъминловчи камайтиргич намунавий лойиҳалари модель тадқиқотларининг илмий масалалари ва уларни такомиллаштириш, шунингдек, Қашқадарёвилоятидаги Чимқўрғон, Пачкамар сув омборлари қурилганидан сўнг «Узгипроводхоз» институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида дала тадқиқотлари олиб борган ва таклифлар тақдим этган. САОГИДЭП ва Ўзбекистон ФА Сув муаммолари ва гидротехника институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида Қундуз дарёси (Афғонистон)да жойлашган “Пули - Хумри” ГЭС № 2 гидроузелида тадқиқотлар ўтказган. 1959 йилдан 1961 йилгача Тоҷикистон ССР Сув муаммолари институтининг гидротехника қурилмалари шўйбаси раҳбари лавозимида ишлади. Тоҷикистон ССР Қўрғонтепа вилоятининг Жиликўл-Коғир канали бўйлаб жойлашган сув қурилмаларнинг дала ва модель тадқиқотларини олиб борган. 1961 йилдан 1992 йилга қадар В.Д.Журин номли САНИИРИнинг суғориш, сув ҳавзалари ва гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш бўлимларининг катта илмий ходими лавозимида ишлаган. Суғориш бўлимида ерларни суғориш тармоғини реконструкция ва суғориладиган ерларни режалаштириш бўйича техник лойихани Илмий-тадқиқот институтига қарашли техник хизмат кўрсатиш станциясида (НИИСТО) амалга ошириди. Сув омборлари бўлимида З йил давомида “Чардаастрой” (“Чордарақурилиш”) билан тузилган шартнома

асосида жойига чиқиб, Чордара сув омборининг шамол ва тўлқин режимидаги ҳолати ва унинг босим қиялиги ҳамда чўкиндиларга таъсирини ўрганиш билан шуғулланди. Кейинчалик эса, “Средазгипроводхлопок” томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида Жанубий-Сурхон сув омбори пастки бъефининг Урал полли Занг гидробоғламасининг моделида ўрганиш ишларини олиб борди. Модель тадқиқотлари асосида пастки бъефининг бошқача конструкцияси ишлаб чиқилди. Яъни сув оқими энергиясини сўндириш ва қурилманинг сув тўсгич қисми узунлигини қисқартириш ҳисобига бетон ишларининг ҳажмини 30%га иктисод қилишни имконини берувчи, ҳамда қурилиш вақтида ва ундан кейинги уни муваффақиятли ишлатиш вақтида муаллифлик назоратини амалга ошириш кафолатини таъминловчи кўндаланг сув тўсгич девори киритилди. Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш бўлимида САНИИРИ (Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти) комплекс Қарши илмий-тадқиқот экспедицияси бошлиғи бўлиб ишлади ва Қарши чўлида тадқиқотларни жойида амалга ошириш фани асосчиси бўлган. “Насос станциялари каскадлари билан Қарши магистрал канали ва Ульянов канали иш режимларининг ишлаб чиқариш тадқиқотлари” мавзусида шартномавий ишнинг масъул ижрочиси бўлган. 1972 – 1976 йиллар давомида шартномавий ишларнинг ҳажми 600 минг рублгacha (1972 йил ҳисоби бўйича) борган ва 11та дала отрядларидан иборат бўлган. Бу эса умумий ҳисобда САНИИРИ бўйича жами шартномавий ишларнинг 1/3 қисмини ташкил этган. 1976 йилдан 1992 йилгача у собиқ иттифоқ Сув хўжалиги вазирлиги шартномаларини бажарилиши бўйича масъул бўлган. Жумладан, “Ичкихужалик мелиоратив тармоғини техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш” мавзусида шартнома ишларни ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ишлар олиб борди.

1992 йилдан 1994 йилгача Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Сув муаммолари институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан бирга “Минерал сувлардан фойдаланиш ва бригада хўжаликларида технологик суғориш схемасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги 34/92-сон хўжалик шартномаси бўйича ишларни амалга ошириди. Ўзининг асосий ишидан ташқари, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг

мухбир аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Сув муаммолари ва гидротехника институтининг биринчи директори Р.А.Алимов таваллудининг 90-йиллик юбилейини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг аъзоси бўлиб, Р.А.Алимовнинг юбилей брошюрасини чоп этиш учун тузувчи сифатида материалларни йиғиш ва юбилейни ўтказиш бўйича ишлар бажарди. 1992 йилдан 1994 йилгача Ўзбекистон ФА Сув муаммолари институтининг катта илмий ходими лавозимида фаолият кўрсатган. Шу мудатда у Орол ва Орол бўйини қутқариш қўмитаси томонидан ташкил этилган "Амударья-92" ва "Сырдарья-93" илмий экспедициялар ишида қатнашган. Ўрта Осиё республикаларида долзарб бўлган сув муаммоси бўйича бир қанча лойиҳалар ҳар хил мутахассислар томонидан таклиф этилган эди. Шулардан, Сибирь дарёларини, жумладан Ўзбекистонга йўналтириш (собиқ СССР даврдаги лойиҳалар), Каспий денгизидан сувни насослар ёрдамида 70 м. кўтариб тушириш (академик И.И.Искандаров ғояси ва лойиҳаси) ва Покистондаги Инд дарёсидан канал қазиб, канал орқали Ўрта Осиё республикаларига, жумладан Ўзбекистонга сув етказиб бериш (академик Н.Р.Хамраев ғояси ва лойиҳаси). Бу лойиҳаларни барчаси жуда катта маблағ талаб этиладиган ва сув манзилга етиб келгунга қадар ҳисоб-китоблар бўйича жуда катта ҳажми йўқолиб кетиши аён эди. Ушбу муаммолар бўйича Қаюм Одилов мутахассис сифатида ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган холда Ўзбекистондаги мавжуд бўлган сув ресурслардан тежаб терграб, исрофгарчиликка йўл қўймасдан, оқилона, рационал, оптимал фойдаланиш усули бўйича ўз таклиф ва ҳисоб китобларини илгари суриб, ошкор этди. Шунингдек, юқорида келтирилган Ўрта Осиё республикаларини, жумладан Ўзбекистонни сув билан таъминлаш лойиҳаларининг камчиликларини ҳисоб-китоб қилган холда оммавий ахборот воситаларида чоп эттириди. 1995 йилдан умрининг охиригача у Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маслаҳатчиси сифатида фаолият юритди. Ўз даврида у бир неча Халқаро ва Умумиттифок (собиқ иттифоқ) илмий-амалий анжуманларда Ўзбекистон Республикасининг мелиорация ва ирригация масалалари бўйича қатнашиб, ушбу масалаларга доир бир қанча таклифларни тақдим этган. Унинг 50 дан ортиқ илмий ишлари мавжуд бўлиб, уларнинг 25 таси чоп этилган. Бундан ташқари, 40 дан зиёд мақолалари "Правда", "Известия", "Сельская жизнь", "Правда Востока", "Халқ сўзи", "Голос Узбекистана", "Ўзбекистон Табиати" ва бошқа

газеталарда эълон қилинган. У бир неча бор Ҳукумат комиссиялари таркибида киритилган. "Меҳнат фахрийси", икки марта "Шуҳрат", "Улуғ Ватан уруши 50 йиллиги" медаллари, собиқ иттифоқ Сув хўжалиги вазирлигининг қатор фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

Халқимизда "Отнинг изини той босади" деган мақол бор. Ушбу мақолни ҳеч иккиланмай Қаюм аканинг фарзанди Раҳим Одиловга нисбатан ишлатилса бўлади. Чунки у 1992-1995 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Сув муаммолари институтида "Гидрофизика ва математик моделлаштириш" лабораториясида лаборатория мудири ф.м.ф.д., профессор Ў.М.Мамбетов раҳбарлигида кичик илмий ходим ва илмий ходим лавозимларида фаолият юритиб, Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган "Мураккаб тузилишга эга бўлган ғовакли муҳитда аралашмайдиган суюқликни ҳаракатини физик-математик моделлаштириш" ва "Ўзбекистон шароитига мос тупроқда нам кўтарувчи ва ғовак кенглиги тузилиши" мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот ишларида фаол қатнашди ва ҳосил бўлган пухта илмий изланиш натижаларини институт раҳбариятига тақдим этди. Бундан ташқари, "Программа подгонки множества многомерных моделей авторегрессии с разностями отсчета потери воды" бўйича илмий тадқиқот ишлар олиб бориб, 1992 йил 26-30 октябрда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Халқаро VI илмий-амалий анжуманда ўз таклифлари билан қатнашди. Шу билан бирга, 1994 йили декабрь ойида Навоий шаҳрида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуманда "Орол денгизини сув сатҳи камайишини ва кераклигича бўлган сув миқдори билан Амударё ва Сирдарё сувлари билан таъминланиши математик-моделлаштириш верификация усулида прогнозлаш" мавзусида илмий ходим г.ф.н. Алиjon Назаров билан ҳамкорликда ўз таклиф ва ҳисоб-китoblari билан қатнашишди. Шунингдек, 1994-1995 йиллари Самарқанд вилояти Нарпай тумани бир қанча хўжаликларни "Моделлаштирилган ва автоматлаштирилган усулида экинларни суғориш тизимини яратиш" бўйича олиб борилган ишларда фаол қатнашди.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдки, Қаюм ака Одиловнинг босиб ўтган йўли ибрат олса арзигулил. Улар билан ишлаган ҳамкаслари, шогирдлари билан сұхbatлашганимизда барчалари Қаюм акани яхши сўзлар билан эслашади, оҳиратлари обод бўлсин, дея дуо қилишади. Жойлари жаннатдан бўлсин.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРИХИ МУЗЕЙИНИ БАРПО ЭТИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Алишер Ташматов,

Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасалари минтақавий Ассоциациясининг вице-президенти, иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Ў**збекистон қишлоқ хўжалиги ва унинг мева-сабзавотчилиги ҳақида гапирганда, Алишер Навоий ва Умар Хайём каби буюк мутафаккир ва шоирларимиз қаламига мансуб шеър ва ғазалларда мева ва узумларнинг машхур, мазали сифатлари ва уларни етиширишнинг кўп асрлик анъаналари моҳирлик билан куйланганлигини эсламасдан булмайди.

Уларнинг лирикасида бу шифобаҳш узум ва ширин-шакар мевалар, қовун ва тарвузлар шарбатининг хушбўйлиги ва таъми жуда таъсирли акс эттирилган.

Зотан, ота-боболаримиз етиширган кўплаб ноёб анъанавий халқ навлари бугунги кунимизгача сақлаб қолингани ва шу орқали уларнинг табииятанланиши натижасидабизгача етиб келгани ва кўп асрлик қадр-қимматга эга эканлиги айниқса, таҳсинга сазовор.

Маълумки, XIX аср бошида минтақамизда, хусусан, юртимизда саноқли агроном мутахасислар бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги жуда қолоқ ахволда бўлган. Кейинчалик бу жараёнда ушбу муборак заминга муҳаббат ва меҳр кўйган, соҳа ривожига салмоқли ҳисса кўшган олимларнинг ишлари билан давом эттирилган.

Ўзбекистон тарихида мева ва сабзавотларнинг унutilmas навларини яратиш мева ва сабзавотчилик фанининг гуллабяшнаган тарихий даврига тўғри келди, у ҳақли равишда қишлоқ хўжалигининг уйғониш даври деб ҳисобланади. Ўша пайтда қишлоқ хўжалиги одамлар орасида кенг тарқалган таниқли дала наслчилик навлари ва усуллари яратилиши ҳисобига мавжуд эди.

Селекция ва уруғчилик илм-фан ва таълим билан тизимли алоқада бўлмаганлиги учун

фан ва таълимни ривожлантириш билан бирга минтақанинг тараққиётiga ҳам катта эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, олимлар минтақанинг серҳосил иқлими, қўёшли куннинг мўллиги ва сув етишмаслиги, иқлим қуруқлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигига, айниқса, мева-сабзавотчиликка алоҳида эътибор қаратдилар.

Бутун ҳаётини соҳа равнақига бағишилаган, шу ерда қолиб ва ўз сулоласи ва шогирдлари орқали соҳа ривожига катта ҳисса кўшган машхур, атоқли олимлардан бири селекционер академик Рихард Рихардович Шредернинг ўрни бекиёс.

Р.Р.Шредер 1898 йилда ташкил этилган Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясига 1902 йилдан раҳбарлик қила бошлади. У қадимий Чимкент автомагистралига туташ, Тошкентдан ўн олти километр узоқлиқдаги, Аччи қишлоғида жойлашган - ҳозирги Шредер институти деб танилган муассасадир.

Россия тўқимачилик саноатининг пахтага бўлган талабининг ортиши ушбу станциянинг яратилишига сабаб бўлди. Дастрраб пахтанинг маҳаллий ва импорт қилинган навларини синовдан ўтказишга эътибор қаратилди.

Туркистонда фаолият кўрсатган Р.Р.Шредер Европанинг асосий тилларини (инглиз, француз, немис ва италия), аввало, ўзбек тилини мукаммал ўрганганд, бу унга маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни, азалий усуслари сирларини ўрганишга имкон берди. Станция экспериментал муассаса сифатида фақат Р.Р.Шредер раҳбарлик қилган пайтдан бошлаб, самарали ишлай бошлади ва илмий ишларнинг асосий қисми шахсан Р.Р.Шредерга тегишли эди ва унинг бевосита назорати остида амалга оширилди.

Р.Р.Шредер Марказий Осиёда етиширилган маҳаллий буғдой навларининг мингдан ортиқ намуналарини йиғиб, синовдан ўтказди. Улардан энг самаралиси, 584-сонли қишики буғдойининг янги серҳосил ва узун қулоқли нави қишлоқ хўжалигига кирди. Селекционер олим Р.Р.Шредерни бу ернинг табиати ва меҳнаткаш одамлари ҳайратга соларди. Унинг таъкидлашича, минтақа серҳосил, қуёши кўп ва ери унумдор... Шундай қилиб, у тажриба майдони, сўнгра тажриба станциясини яратишдан бошлаб, бу муассасани ҳаёти давомида соҳада илмий изланишлар олиб борадиган, кўзга кўринган катта институтга айлантириди ва кейинчалик унга Шредер номи берилди, эндиликда эса бударгоҳунинг шогирди академик М.М.Мирзаев номи билан номланади. Аммо хали ҳам кўпчилик учун Шредер институти деб аталади.

Бу ажойиб тарихий хотираларни эслаб, уларнинг босган йўлларини таҳлил қиласр эканмиз, бугунга келиб шундай мўжиза яратган олимларимизнинг иш тажрибалари, мактаблари унутилиб, аҳамиятсиз қолаётганлиги жуда ачинарли ҳолдир.

Халқимиз қаҳрамони, Ризамат Мусамуҳамедов илмий мактабининг яратилиши Ўзбекистон узумчилиги ривожига катта ҳисса қўшди. Яна бир тарихий намоёнда, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги, селекционер олим, Ўзбекистон лимончилигининг асосчиси, Меҳнат қаҳрамони Зайнутдин Фахрутдинов яратган лимон навлари унга катта эҳтиром билан қарашни ва унинг бу ишларини давом эттирилишини талаб килади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бой мероси ва тарихий давларда босиб ўтилган, бунёд этилган мамлакатимизолин захирасидаги бу каби қўлга киритилган илмий изланиш ва самарали тадқиқот ишлари, уларнинг изчил давом эттирилиши ниҳоятда зарур ва давлат аҳамиятига молик масалардандир. Уни ўрганиш, кенг оммага тарғиб қилиш, илм-фан тараққиёти ўйлидаги муҳим ҳаракатлардандир.

Даставвал, бу давлардан олдинги жараёнлар тарихи ва, айниқса, унинг янгиланаётган давр тарихий фаолияти ҳақида ёш авлод эътиборига намунавий, кўргазмали намойиш этишда яратилажак музейнинг ўрни бекиёс.

Музейнинг муҳим вазифаларидан бири қизиқувчи ва ташриф буюрувчиларни ўтмишимизга оид далил ва ашёлар, хужжатлар,

расм ва видео материаллар билан бойитилган ва тасвириланган мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихининг барча давлардаги етук илмий изланишлари ва ҳаракатларидан воқиф этади.

Қишлоқ хўжалиги тарихи музейини ташкил қилиш, уни замонавий намойиш жиҳозлари ва асбоблари билан таъминлаш, барча тарихий давларга ва воҳаларга оид маълумотлар ҳақидағи стендлар, хужжатли фильмлар, кўргазмали қуроллар, қадимий топилмалар ва экспонатлар ҳамда уларнинг кўриниши ва тасвиrlари акс эттирилган павильонлар, панолар, тасвирий лента ва дигитал рақамлаштирилган тасвириларининг яратилиши ва кенг омма эътиборига намойиш этилиши айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Шу билан биргалиқда замонавий музей намунаридан бўлган ҳашаматли Ғалаба ҳиёбонидаги мажмуя каби катта бир мажмуани яратиш лойиҳаси қўриб чиқилса ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги энциклопедиясига асосланган катта бир илмий тарихий мажмуани ўз ичига камраб олса яхши бўлар эди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихи музейи мамлакатмиз салоҳияти, унинг бой ва серқирра илмий йўналишилари, аграр соҳага оид таълим тизимлари ва етук мутахассисларга, тажрибали ва шиҷоатли меҳнат қаҳрамонларига эга эканлигини намойиш этувчи ва ёш авлод эътиборини тортувчи ва қизиқишини уйғотувчи масканга ҳамда мактаб ўқувчилари, талabalар, шунингдек, сайёҳлар гуруҳларининг кети узилмайдиган зиёратгоҳга айланади, деган умиддамиз.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги музейи тажрибасига кўра, Ню-Деҳли ИКАР кампусида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихи музейи Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маъмурий биноси орқасидаги бино - Қишлоқ хўжалиги кутубхонаси ёнига ёки Музейнинг мантиқий таркибий қисми сифатида Қишлоқ хўжалиги кутубхонаси ёнида жойлашган хужжатли фильмларни томоша қилиш ва учрашувлар, конференциялар, лойиҳа тақдимотлари, ўкув дастурлари, семинарлар ва кўргазмалар ўтказиш учун Мажлислар зали ёнидаги бинога жойлаштирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ушбу масала мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги академиясини ташкил қилиш тўғрисидаги янги Фармонини тайёрлаш билан биргалиқда кўриб чиқилса, айни муддао.

# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ УЙ-МУЗЕЙИДА КИТОБ ТАҚДИМОТИ



Шу йили, ижодкор Алишер Тоировнинг "Газета – ўқиши учун чоп этилади" номли китоби "Ижод нашр" нашриёти томонидан 500 нусхада чоп этилган эди. Китоб билан китобхонларни таништириш ва маълумот бериш мақсадида 27-сентябр куни ўзбек романчилигининг тамал тошини қўйган буюк адаб Абдулла Қодирийнинг уй-музейида газеталарга бағишлиланган ушбу китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.



Тақдимотда Абдулла Қодирий уй-музейи директори, Абдулла Қодирийнинг набираси Хондамир Қодирий, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир Бобур Бобомурод, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Носир Тоиров, Меҳнат фахрийси Раҳим

Одилов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, Турон Фанлар академияси академиги Маҳмудхон Тоиров, мактаб ўқувчилари, талабалар, ота-оналар иштирок этишиди.

Тадбирни Хондамир Қодирий очиб берар экан, барча ташриф буюрганларни Абдулла Қодирий уй-музейида кўриб турганидан маъмнун эканлигини, музейга ташриф буюрувчиларга музей эшиклари ҳамиша очиқлигини айтиб ўтди. Абдулла Қодирий катта ёзувчи бўлиш билан бирга дехқончилик билан ҳам шуғулланганлигини, зироатчилик илмини ҳам эгаллаганлигига тўхталиб, ўқувчиларни ўз устида ишлашга ва меҳнатдан қочмасликка даъват этди. Абдулла Қодирий қаламига мансуб китобларни мутолаа қилиш билан бирга бошқа адиларнинг ҳам китобларини ўқишига, бадиий китоблар билан чекланиб қолмасдан илмий, фалсафий китобларни ҳам ўқишига унгади.



Китоб сўз бошиси муаллифи, ўзбекнинг катта шоири Бобур Бобомурод ҳам сўзга чиқиб китобни мутолаа қилишдан тўхтамасликни, китобни дўст билишни ёш авлодга уқтириди. Болалиқда космонавт бўлишни эмас, кутубхоначи бўлишни катта орзуси бўлганлигига тўхталди. "Газета ўқиши учун чоп этилади" номли китоб чоп этилганлиги билан муаллифни қутлаб, унга омад тилади. Сўзининг сўнггида "Кутубхона" номли шеърини ўқиб бериб тадбир иштирокчиларининг олқишига сазовор бўлди.



Ушбу шеър бизга ҳам маъқул бўлганлиги  
сабабли тўлиқ келтирамиз.

Кўчамизга қараймиз,  
Катта бизнинг кўчамиз.  
Турфа эшиклар қатор,  
Қайси бирин очамиз?!

Қадамда шаробхона,  
Оралаб кабобхона,  
Лек, афсус, топилмайди-  
Битта ҳам китобхона.

Бор ҳоким – жанобхона,  
Ҳам қози – жавобхона.  
Урамайди, лек, аттанг,  
Бир китоб – савобхона.

Дорихона ҳам бисёр,  
Гёё бутун эл bemor.  
Қалбга шифо бўлгучи –  
Кутубхона йўқ бекор.

Маърифат тутиб, хона,  
Дардларин ютиб, хона.  
Туради кутубхона –  
Интизор, кутиб хона...

Кўчамизга қараймиз,  
Шуми бизнинг кўчамиз?  
Кутубхона бўлмаса –  
Бу кўчадан кўчамиз.



Шунингдек, Носир Тоиров ва Раҳим Одилов ҳам нутқ сўзлаб ёш авлодга китоб ўқиш қанчалар муҳимлигини тушунтиришди.

Тақдимот сўнгидаги китоб муаллифи сўз олиб, китоб, журнал ўқиш билан бир қаторда газета ҳам ўқиш кераклигига тўхтади. Газеталарни увол қиласликка чорлади. Ташириф буюрганларга китобини тухфа қилди.

Китоб тақдимоти йигилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Ўз мухбири**

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

**Muassislar:**

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MCHJ

Nashr  
O'zbekiston Respublikasi  
Oliy attestatsiya komissiyasi  
Rayosatining  
2020-yil 31-dekabrda  
290/10-sonli qarori bilan  
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy  
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar  
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:  
100140, Toshkent shahar,  
Nukus ko'chasi 77-uy  
Tel/faks: +99895 195-52-52.  
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"  
MChJ kompyuter markazida  
sahifalandi.

Chop etildi: 31.09.2023-yil.

Guvohnoma raqami: №990721  
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.  
Adadi: 1100 nusxa.

Baҳosi keliшилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,  
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎзА ва интернет  
материалларидан фойдаланилди.

## MUNDARIJA

|  |    |
|--|----|
| <b>Муборакбод этамиз!</b>  | 2  |
| <b>А. Мўмин.</b> Юртимиз тарихидаги ёрқин сана   | 4  |
| <b>С. Ахмедова.</b> "Касални яширсанг..."  | 6  |
| <b>Ш. Жабборова, А. Тоиров.</b> Суғоришнинг тежамкор янги технологиялари   | 8  |
| <b>Тадбиркор ҳалол бўлса, баракаси бўлади</b>  | 10 |
| <b>Q. Yuldasheva.</b> O'qituvchi — fidoyi inson  | 11 |
| <b>Р. Рустамов.</b> Шиҷоатли аёл ҳам мөҳир қалам соҳибаси  | 13 |
| <b>А. Мадалиев.</b> Бошқарувни демократлаштириш унда инсон омилини<br>фаоллаштиришнинг аҳамияти  | 16 |
| <b>Кожевникова А. Г.</b> Цикады из семейства cicadellidae современные вредители<br>хлопчатника и рекомендуемые энтомофаги против них   | 23 |
| <b>Кожевникова А. Г., Юсупов Ш. С.</b> Мониторинг мирид (miridae) Ферганской долины<br>для разработки современных защитных мероприятий | 25 |
| <b>H. Karimova.</b> Замонавий кутубхоналарда инновацион ғоялар   | 28 |
| <b>Каримова Ҳ. Қ.</b> Китобхон оналар – башарият тарбиячиларирид!  | 33 |
| <b>Б. Ходжаева.</b> Тарихий шахслар ва уларнинг илм-фан, китоб мутолааси ҳақидаги<br>фикрлари  | 39 |
| <b>С. Сайид.</b> О славный наш путь, ты широки велик   | 41 |
| <b>М. Тоиров.</b> Олам гўзал эрур сиз билан асли   | 43 |
| <b>М. Абдулҳақ.</b> Буюк Соҳибқирон солномаси  | 45 |
| <b>Н. Тоиров.</b> Буюклиги айб бўлган забардаст олим   | 47 |
| <b>С. Қурбонов.</b> Халқ хизматида   | 51 |
| <b>М. Тоиров.</b> Илм-фанга баҳшида умр  | 53 |
| <b>А. Ташматов.</b> Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихи музейини барпо этиш ва унинг<br>аҳамияти   | 56 |
| <b>Абдулла Қодирий уй-музейида китоб тақдимоти</b>   | 58 |